

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ
2009 йил, 15 май, жума № 20 (2303). Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
Пятница, 15 мая, 2009 год, № 20 (2303). Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотууда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу — цена договорная

БИЗ УЧУН, ЮРТИМИЗ
УЧУН ТИНЧЛИК ВА ОСО-
ЙИШТАЛИК ҲАММА НАР-
САДАН ҚАДРЛИДИР. БИЗ
ЯҚИН ВА УЗОҚ ҚЎШНИ-
ЛАРИМИЗ БИЛАН ТЕНГ ВА
ЎЗАРО ҲУРМАТГА АСОС-
ЛАНГАН СИЁСАТНИ, ЎЗА-
РО МАНФААТЛИ, ДЎСТО-
НА АЛОҚАЛАРНИ ДАВОМ
ЭТТИРИШНИ, НАФАҚАТ
БУГУНГИ АВЛОД, БАЛКИ
КЕЛАЖАК АВЛОДИМИЗ
ҲАМ УРУШ БАЛОСИНИ
КЎРМАСЛИГИНИ ИСТАЙ-
МИЗ.

Ислом КАРИМОВ

ЭЗГУ ИШЛАР ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан эълон қилинган 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умум-халқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Истиқлол йилларида ушбу кун инсон хотираси ва қадрли улуғладиган муҳим тарихий санага айланди.

Миллионлаб инсонлар умрига завол бўлган, юзлаб шаҳару қишлоқларга вайронагарчилик, офат келтирган фашизм устидан қозонилган ғалабада ўзбек халқининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўз юртидан олисларда кечган беаёв жангларда жон олиб, жон берган ватандошларимизнинг жасорат ва матонати, фронт ортида тунларни тонгларга улаб меҳнат қилган, сўнгги нонини ҳам ўзгалар билан баҳам кўрган ҳамюртларимизнинг фидойиликлари қалбларда мангу яшайди.

Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ. Ўтганларни, уларнинг хайрли ишларини, жасоратини ёдга олмоқ, эъзозламоқ халқимизга хос эзгу фазилатлардандир. Шу боис Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабрбардош билан енгган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, имони бутун момоларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 15 апрелда қабул қилинган Фармонида мувофиқ Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг пул мукофотлари билан тақдирланиши уларга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намунасидир.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди. Майдон узра маҳзун мусиқа таралади. Жангларда қурбон бўлган ватандошларимизнинг номлари абадий муҳрланган "Хотира китоби"нинг зарҳал варақлари қарийб 435 минг нафар ўзбек фарзандларининг жасоратидан сўзлайди.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Корей Республикаси Президенти Ли Мён Бак 10 май куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корейя ўртасидаги масофа анча узоқ. Лекин мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда икки томонлама манфаатдорлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат мавжуд бўлса, масофа ўз аҳамиятини йўқотади. Ўзбекистон-Корейя муносабатларининг бугунги ҳолати бу фикрнинг ёрқин тасдиғидир. Ли Мён Бакнинг ушбу ташрифини олий даражадаги мулоқотларнинг мангикий давоми, дейиш мумкин. Чунки 2008 йилнинг ўзида Ўзбекистон ва Жанубий Корейя Президентлари икки марта учрашган.


Давлатлараро муносабатлар ривожланиш йўлидан борар экан, турли мақомдаги мулоқотлар изчил давом этаверади. Зеро, тараққиётга интилган ҳар бир мамлакат ишончли шериклар билан ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон ва Жанубий Корейя раҳбарияти ҳамфикр эканига, муносабатлар негизда ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат мужассамлигига Ли Мён Бакнинг мазкур ташрифи ёрқин далилдир.

11 май куни Дўрмон қароргоҳида Корей Республикаси Президентини расмий қутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф торғди. Икки мамлакат байроқлари кўтарилиб, давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Ли Мён Бак фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Президентларнинг яккама-якка суҳбати бўлди. Ислом Каримов ва Ли Мён Бак мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу саммит Жанубий Корейя Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдорлигининг яна бир ёрқин далилати эканини, айни пайтда Тошкент ҳам Сеул билан ҳамкорлик алоқаларини юксак қадрлашни таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).



Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Матонат, садоқат — фарзандлик бурчим!

ШУ СОНДА

«Ватан ҳимоячисига» ● ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди	3	● Катта адрон коллайдери	11
● Инқирозга қарши чоралар дастури	5	● «Титаник»нинг сўнгги йўловчиси	16
● Бўлғуси профессионаллар синовлар арафасида	6	● «Ягонасан, муқаддас Ватан!» тапловида ҳарбийларнинг тайёргарлиги	17
● Дог-шоу всех пород	8	● Халқ тарихи кўзгуси	21
● Бугун — Халқаро оила куни	10	● Номинг дилларда мангу	24



9 ИШЛАР
ФАХРИЙЛАР —
ФАХРИМИЗ



18 ХОТИРА
ФАХРИЙЛАР
КЎРГАЗМАСИ



22 СПОРТ
С ПРИЦЕЛОМ
НА СОФИЮ



24 МАДАНИЯТ
НОМИНГ
ДИЛЛАРДА
МАНГУ

ЭҲТИРОМ

ЭЗГУ ИШЛАР ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Соат 8.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар кўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

– Бугун мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланмоқда, – деди Ислоҳ Каримов. – Биз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг номлари ва хотирасини ёд этар эканмиз, табиийки, уларнинг ўчмас жасорати олдида бош эгамиз. Бугунги эркин ва озод ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз учун жон берган, ҳалок бўлган ватандошларимизни эслаш, орамизда яшаб келаётган уруш қатнашчиларини қадрлаш ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Шу борада бир фикрга эътиборингизни қаратмоқчиман, деди давлатимиз раҳбари. Маълумки, урушдан олдин Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган. Шундан 1,5 миллионга яқин одам урушда қатнашган. Ўша вақтда юртимиз аҳолисининг ярмини болалар ва кексалар ташкил этганини инобатга оладиган ва улар қаторига аёлларни ҳам қўшадиган бўлсак, бу рақам нимани тасдиқлаб беради?

Бу шуни кўрсатадики, қурол кўтаришга қодир бўлган юртдошларимизнинг тахминан 70-80 фоизи бу бешафқат урушда бевосита иштирок этган. Бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон эсан чиқармаслиги керак.

Шу маънода бугун Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 64 йиллигини нишонлар эканмиз, бундан ўн йил олдин бу санани юртимизда Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилганимиз нақадар чуқур ўйланганини, унинг теран маъно ва мазмунга эга эканини бугунги ҳаётнинг ўзи яна бир бор тасдиқламоқда.

Нафақат бизнинг миллатимизда, балки бошқа халқларда ҳам ўтганларни эслаш, хотирлаш, бугун ҳаёт бўлган кексаларни қадрлаш – муқаддас қадриятлардан бири эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Эгулик, савобли ишлар бесамар кетмайди, деди Президентимиз. Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, ҳар куни қилиши керак. Бу халқимизга хос фазилат бўлиб, унинг замирида чуқур маъно-мазмун мужжасам.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ўтмишини хотирламайдиган халқнинг эртаси ёруғ бўлмайди. Ҳар бир халқ ва миллат кечаги ҳаётдан, ўзи босиб ўтган яхши-ёмон кунлардан, тарих синовларидан зарур хулоса ва сабоқлар чиқармоғи зарур.

Биз учун, юртимиз учун тинчлик ва осойишталик ҳамма нарсдан қадрлидир. Биз яқин ва узоқ кўшнилариимиз билан тенг ва ўзаро ҳурматга асосланган сиёсатни, ўзаро манфаатли, дўстона алоқаларни давом эттиришни, нафақат бугунги авлод, балки келажак авлодимиз ҳам уруш балосини кўрмаслигини истаймиз, деди Юртбошимиз.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда бундан ўттиз йил олдин Афғонистонда бошланган урушнинг, афсуски, ҳали-бери охири кўринмайди. Бизнинг Афғонистондаги вазиятни тинчигиш бўйича позициямиз аниқ ва равшан: яъни, бу можарони фақатгина ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини яна бир бор таъкидлаймиз.

Жафокаш афғон халқининг шунча йил давомида кўрган азоб-уқубатларини, бугунги оғир аҳволини инобатга олиб, авваламбор, вайрон бўлган иқтисодни тиклаш, одамларга хизмат қиладиган инфратузилмани ривожлантириш керак. Токи, бу юртда яшаётган ҳар қайси инсон бу ўзгаришларнинг таъсирини ўзининг, оиласининг ҳаёти мисолида кўрсин.

Шу билан бирга Афғонистон халқини, унинг тарихини, маданиятини, диний-миллий қадриятларини топташ эмас, аксинча, ҳурмат қилиш йўли билангина турли миллат ва элатларни бир-бирига яқинлаштириш, у ерда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш мумкин.

Бугунги кунда бизнинг бундай қатъий қарашимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланаётганидан, ўйлайманки, халқимиз яхши хабардор, деди Ислоҳ Каримов.

Мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталик боис шаҳар ва қишлоқларимиз обод, турмушимиз фаровон. Амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари – кўз ўнгимизда қад ростлаётган бетакрор иншоотлар, таълим ва тиббиёт муассасала-

ри, кўприк ва равон йўллар, боғ ва хиёбонлар, замонавий технологиялар билан жиҳозланган қудратли корхоналар – буларнинг барчаси юртимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик тўғрисида.

Ватанимиз тараққиётига хизмат қиладиган ютуқларимиз, бойликларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, деди Президентимиз. Аммо энг катта бойлигимиз – бунёдкор халқимиз, эртанги кун эгалари бўлмиш оловқалб ёшларимиздир.

Шу фурсатдан фойдаланиб, азиз фарзандларимизга, ёшларимизга қаратиб айтмоқчиман:

Сиз, азизларим, биз бошлаган ишларнинг давомчиси сифатида олдимизга кўйган мақсад – ҳеч кимдан кам бўлмайди-ган, демократик, озод ва обод жамият қуришда эртага асосий ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётганингизни чуқур ҳис этиб, замонавий билим, замонавий тараққиёт сирларини эгаллашга албатта қодир бўлишингиз керак.

Биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Ўтмиш тарихимизни чуқур ўрганиб, бир сўз билан айтганда, ўзлимизни англаб, ота-боболаримизнинг мардлиги ва жасоратидан доимо фахрланиб-ғурурланиб яшашимиз зарур.

Ёшларимизнинг ғайрат-шижоатини, ўз кучига ишончини, элу юртидан ғурурланиш туйғуларини кўрган, улкан мақсадлар билан яшаётганини кузатган ҳар қандай одам Ўзбекистоннинг келажаги чиндан буюк эканига ишонч ҳосил қилади, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

...Хотира майдонига қадам кўйган кишини ўтмиш хаёлотига чулғаб олади. Бу майдон нафақат ўтганлар ёдини, балки халқимизнинг кечмишини ўзида мужжасам этган тарих китобига ўхшайди. Бу ерга келган ҳар бир инсон қалбиде шу табаррук юрт барчамизники, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш муқаддас бурчимиздир, деган эзгу туйғу жўш уради.

Шу куни Мотамсаро она ҳайкали пойи баҳор чечаклари-га бурқанди. Юрт озодлиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечга қадар узилмади.

Воҳид ЛУҚМОН,
УЗА мухбири.

ЭЪТИБОР, ЭЪЗОЗИМИЗДАСИЗ

«Хотира, хотирлаш ҳақида гапирар эканмиз, бу тушунчани қадрлаш тушунчасидан ажратиш бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам бу ёруғ кунларга нима ҳисобидан эришганимизни, бу йўлда қандай оғир курашлар, азоб-уқубат ва йўқотишлар бўлганини, қанчадан-қанча одамлар уруш майдонларида азиз жонини қурбон қилганлигини англамасак, тушунмасак, бугунги кунимизни, тинч ва осуда ҳаётимизни англаш, унинг қадрига етиш қийин бўлади», дейди Юртбошимиз Хотира ва қадрлаш кунининг аҳамияти ҳақида фикр юритар экан.

Дарҳақиқат, бу ёруғ кунларни кўриш, озод диёрда яйраб яшаш орзуси армонлигича қолган қанчадан-қанча ватандошларимизни, ҳурлигимиз йўлида жон фидо этганларни хотирлаш, уларга ҳурмат бажо келтириш мустақиллик нашидасини сураётган сизу бизнинг инсоний бурчимиздир.

Юртимизнинг ҳар гўшасида кенг нишонланган умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Қуролли Кучлар Марказий музейининг экспозициялари жойлашган «Жасорат» боғидаги «Ватан ҳимоячисига» ҳайкали пойига гулчамбарлар кўйиш маросими бўлиб ўтди.

Мудофаа вазирлиги алоҳида намунали-кўргазмали ҳарбий оркестри садолари билан бошланган тантанали тадбирда Мудофаа вазирлиги, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби кўмондонлиги масъул офицерлари, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этди.

– Тинчлик, юрт осойишталиги... Бу бебаҳо неъматнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш нақадар муҳимлигини теран англаш зарур, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Қўчқор Хоназаров. – Уруш йилларида минглаб ўзбек йиғитлари жангтоҳлардан тирик қайтишмади. Ўша кунлар даҳшатини эсласам, кўзларимга ёш келади. Бугун орамизда йўқ яқин дўстларим, биродарларим, ватандошларим ёдимга тушади... Фарзандларим, ёшларга айтар сўзим шуки, унутманг, бу дунёда тинч ва осуда ҳаёт кечириндан ортиқ бахт йўқ.

Маросимни кузатиб турган жажжи ўқувчилар ҳам қўлларидеги гулларини ҳайкал пойига кўйишга ошиқдилар. Эҳтимол, улар қиладиган бу эзгу амалининг мазмун-моҳиятини тўла тушунмас. Бироқ бугун хотира, қадр ва эҳтиром тушунчаларининг мурғак қалбларда илдиэ отаётгани, эртага албатта, ўз мевасини бериши қалбларни тўлқинлантиради.

Тадбирда Мудофаа вазири генерал-майор Қ. Бердиев иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан қутлар экан, фахрийларимизнинг доимо халқимиз, давлатимиз раҳбарияти эътиборида эканлигини, уларга ҳаминша ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилаётганини таъкидлаб ўтди.


Уруш ва меҳнат фахрийлари учун байрам дастурхони ёзилди. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари томонидан тайёрланган концерт дастури эса тадбирга янада файз бағишлади.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратта олган.



ҲУҚУҚ

ЧЕГАРАЛАРИМИЗ ДАХЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-моддасида «Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлиnmасдир» – деб белгилаб қўйилган. Шундай экан, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси давлатимиз чегаралари дахлсизлигини таъминлаш ва уни қўриқлашга масъулдир. Ҳар биримиз халқимиз ва мамлакатимиз хавфсизлигига нисбатан турли таҳдидлар ва хатарларга қарши курашни кучайтиришга ва мамлакатимиз ҳамда минтақадаги барқарорликни мустаҳкамлашга ўз фуқаролик ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

Бу масъулиятни ҳис қилиш авваламбор, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини таъминлаш ва уни қўриқлаш тартибларини белгиловчи қондаларга қатъий амал қилишимизда намоён бўлади.

Айниқса, давлат чегара ҳудудида яшовчи фуқаролар бу борада сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаётган Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларига яқиндан кўмак бериши ва амалий ҳамкорлик ўрнатиши мақсадга мувофиқдир. Чунки Чегара қўшинларида хизмат қилаётган аскар бўладими, сержант ёки офицер бўладими, уларнинг асосий мақсади, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, уларни қўриқлаш ва осойишта яшашимиз, тинч ва фаровон ҳаёт кечиришимизни кафолатлашга қаратилган.

Маълумки, ҳукуватимиз томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган бўлиб, мазкур муҳим ҳужжат давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тадбирларини, уларнинг молиявий ҳамда моддий-техникавий таъминотини, давлат чегараси режимини белгилашни, давлат чегараси орқали шахслар, транспорт воситаларини ўтказиш ҳамда товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни олиб ўтиш кабиларни тартибга солиди.

Шуни таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси чегара зонасига кириш ва уларда яшаш қоидаларини бузиш,

Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарса, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 224-моддаси биринчи қисмида чегара зонасига, шунингдек, фуқароларнинг кириши ва яшашига вақтинча чеклов белгилаш жойларида тегишли қоидаларни бузиш, – энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгилашган.

Шунингдек, мазкур Кодекснинг 224-моддаси биринчи қисмида Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш, яъни шахслар ва транспорт воситаларининг ўтказиш пунктларида бўлиши ҳамда ҳаракатланиши тартибига риоя этмаслик, шахсларнинг ўтказиш пунктларидаги таққиланган жойларга ва транспорт воситаларига гайриқонуний кириши, – фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади, деб ёзилган.

Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият – энгилмас куч» номли асарида «Биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз. Биз учун шундай йўл маъқул, унинг бошқа муқобили йўқ.

Ҳаммамиз яхши биламизки, ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз сақлашда ҳарбий куч-қудрат, қуроли кучлар сув билан ҳаводек зарур. Аммо халқимиз, авваламбор, ёш авлодимиз маънавий оламнинг дахлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб-суюниб иш олиб боришимиз керак, деган савол бугун барчамизни ўйлатириши табиий.

Тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин.

Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади» – деган фикрларни келтириб ўтадилар.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бепарволик ва лоқайдликка берилмаслигимиз, қонуларимизга амал қилган ҳолда мамлакатимиз равнақи учун ҳисса қўшишимиз, бу борада фарзандларимизни ҳам юксак маънавият эгалари қилиб тарбиялашимиз, уларда Ватани ва халқига садоқат туйғуларини шакллантиришимиз лозим.

Айрим ҳолларда фуқароларимиз хуфёна бойлик орттириш мақсадида давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш ёки чегара тўсиқларидан гайриқонуний ўтиш орқали товар моддий бойликларини республикамиздан қўшни давлатларга олиб чиқиш ёки давлатимизга олиб киришга ҳаракат қилишади.

Бироқ, улар ўзларининг бу ғаразли ҳаракатлари билан республикамизга сифатсиз товар ва маҳсулотларни олиб киришга ёрдам бериши, бу билан нафақат амалдаги қонуларимизни, балки ўзларига ўхшаган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳам бузишга ёрдам бериши, республикамиз иқтисодиётига зарар келтиришга ёрдам бериши аниқ.

Президентимиз Қуролли Кучларимизнинг 17 йиллик байрамига бағишланган

Мурожаатида миллий армиямиз салоҳияти ва куч-қудратини янада юксалтириш борасида муҳим аҳамият касб этадиган вазифаларни белгилаб бердилар. Шулардан бири ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш, барча бўғиндаги командирларнинг фаолияти офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдир учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозимлиги таъкидланган. Мазкур вазифа, ўз навбатида армиямизда, шу жумладан давлатимиз сарҳадлари ва чегараларимиз хавфсизлигини таъминлаётган Чегара қўшинларида ҳарбий интизомни юксак савияга кўтаришни, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш чораларини кўришни тақозо этади.

Қуролли Кучларда қонунийликни таъминлаш – бу қонулар ва уларга мувофиқ чиқарилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга давлат органлари, Қуролли Кучларнинг барча тузилмалари, ҳарбий мансабдор шахслар ва барча ҳарбийлар ҳамда хизматчиларнинг оғишмай амал қилишидир. Қуролли Кучларда қонун ва қонунга асосланган ҳужжатларга тўла риоя этишни таъминловчи восита ва шароитлар қонунийликнинг кафолатлари ҳисобланади. Бундай кафолатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ташкилий, мафкуравий, махсус юридик жиҳатлари бор.

Қуролли Кучларимизда қонун ва қонунга асосланган ҳужжатларни татбиқ этиш ва уларнинг назоратини таъминловчи самарали механизмнинг мавжудлиги қонунийликнинг ташкилий кафолатидан дарак берса, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онги даражаси, ахлоқий тарбияси қонунийликнинг мафкуравий кафолати ҳисобланади. Қонунийликнинг таъминланиши учун амалдаги қонунийликда мавжуд усул ва воситалар махсус юридик кафолат вазифасини бажаради.

Шундай экан, сарҳадларимизни ҳимоя қилаётган оддий аскардан то офицерга қадар ўз хизмат вазифаларини виждонан бажаришлари, хизмат мажбуриятларини юксак қадрият деб билиб, чегараларимизнинг дахлсизлигига хавф туғдирувчи омилларга ёки чегара тизимида ўрнатилган тартиб-қоида ва қонуларимизнинг ҳар қандай кўринишдаги бузилишига муросасиз бўлишлари лозим.

Қолаверса, ҳар биримиз мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, унинг ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини, тинч ва осойишта ҳаётимизни таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшишимиз ҳам қарз, ҳам фарзидир.

**Адлия генерал-майори
Шухрат УЗАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бosh
прокурорининг ўрибосари –
Республика ҳарбий прокурори.**

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

МХХ Чегара қўшинлари қисмларининг бирида ҳарбий прокуратура ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда ҳарбий хизматчиларга Давлат чегаралари тўғрисидаги қонун асосида белгилашган ҳуқуқий меъёрлар тушунириб ўтилди.

Иккинчи даражали «Чегара қўшинлари аълочиси» кўкрак нишони соҳиб кичик сержант Икром Эшов ўзининг бой хизмат тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, давлат чегараларидан ноқонуний тарзда мол-мулкларни олиб ўтишга йўл қўймаслик, умуман, сарҳадларимиз ҳимояси йўлида амалга ошириладиган чора-тадбирлар хусусида тўхтади.

Гуруҳ командирининг ўрибосари кичик сержант Али Эргашев эса давлат чегараларини ҳимоя қилиш вақтида

ҳарбий хизматчи қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиши билан боғлиқ саволига атрофлича жавоб олди. Кўтаринки руҳда ўтган мазкур учрашувда ҳарбий прокуратура ходимлари кейинги йилларда аскарларимизнинг интеллектуал салоҳияти, ҳуқуқий маданияти ошиши йўлида муҳим ишлар амалга ошириладиганини таъкидлаб ўтдилар.

Хулоса қилиб айтганда, чегарачилар ҳуқуқий онгини шакллантиришга қаратилган бундайин тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

**Адлия майори
Аъзамжон НУРИДИНОВ.**



МАҲОРАТ

ЗАБОТЯСЬ О ПОЛЕВОЙ ВЫУЧКЕ ВОИНА

Окружные базы полевой подготовки войск смело можно назвать детищем Независимости, ведь создание их стало одним из важнейших этапов претворения в жизнь реформы Вооруженных Сил нашей страны. Об одной из них, недавно отметившей день образования части, наш фоторепортаж.

Компьютерный тренажерный комплекс является предметом законной гордости личного состава базы. Ведь именно здесь без расхождения боеприпасов солдат получает базовые навыки умелого владения стрелковым оружием, вооружением подразделений ПВО СВ.

Вот и подразделения данной части вместе с обучением прибывающих из войск воинов пропускают своих солдат через тренажерный комплекс.

— Для нас очень важно с первых дней службы выработать у солдата навыки прицеливания и меткого поражения целей, — говорит командир группы взвода охраны младший сержант Нуриддин Абдуназаров. — В этом смысле наличие собственного тренажерного комплекса существенно повышает возможности.

Рядовые Машраб Шукуров, Бегали Элибаев и Мансур Бегимкулов успешно проходят здесь срочную службу. Из разных уголков нашей Родины прибыли они сюда: Машраб из Нарынского района Наманганской области, Бегали из Булунгурского района Самаркандской, а Мансур из Букинского района столичной области. Здесь стали членами дружной армейской семьи.

— Мы гордимся тем, что вносим посильный вклад в повышение полевой выучки войск, — говорит рядовой М. Шукуров. — Это ведь наша лепта в укрепление оборонной мощи Родины.

Одним из популярных объектов базы является войсковое стрельбище. В наш приезд там тоже проходило упражнение контрольных стрельб из автомата. Начальник стрельбища младший сержант Отабек Бозоров лично контролировал ход этого занятия. А младший сержант Сайфулла Ма-

рахимов на пункте управления поднимал мишени согласно условиям упражнения.

— Отраднo, что здесь всегда на должном уровне организована боевая работа, — благодарит личный состав базы лейтенант Хуснитдин Маматкулов. — Приезжая сюда, на полевые выходы, мы с высоким качеством отрабатываем программу, во всех вопросах у нас полное взаимопонимание.

В принципе, так и должно быть. Недавно сборы по доподготовке водительского состава успешно проведены на данной базе полевой подготовки войск. Например, начальника склада ГСМ младшего сержанта Абдурахима Кенжаева мы повстречали на АЗС базы. С одним из опытных водителей, служащим Вооруженных Сил Шавкатом Байхановым они провели работы по закачке в емкости горючего, доставленного на ТЗМ для проведения многокилометрового марша.

Одним из ветеранов базы является инструктор механиков-водителей БМП-2 младший сержант Баходир Худайкулов. Опытный военный профессионал срочную службу проходил в морской пехоте, за время плаваний побывал во многих странах. А сейчас учит навыкам управления боевыми машинами пехоты. Во взводе обеспечения учебного процесса он по праву считается одним из авторитетных специалистов.

Из командиров объектов полигона командование базы в лучшую сторону отметило также младших сержантов Рустама Турсунова, Норкула Очилдиева, Кувонча Расулова, Рuzимурода Азизова, которые вносят весомый вклад в повышение качества полевой выучки войсковых подразделений. Танкодром, директриса БМП, учебно-тактичес-

кое поле, стрельбище — все объекты в ходе учебного года поддерживаются в исправном состоянии с тем, чтобы процесс боевой учебы не прерывался ни на один день.

Офицера отдела воспитательной работы старшего лейтенанта Мирсаида Мирюсупова мы застали в библиотеке базы, где он проводил беседу с солдатами срочной службы. Ребята с большим увлечением читают книги и газеты, не просто для общего развития, многие готовятся поступать после армии в вузы.

— Я мечтаю стать учителем географии, — говорит рядовой Очилбек Шодмонов. — А для этого надо постоянно расширять свой кругозор, больше читать. Здесь для этого созданы все условия.

Поскольку на территории базы содержится немало военной техники и вооружения, вопросам бдительности и повышения боевой настороженности здесь уделено большое внимание. Сержанту Нурсаиду Хужабекову не случайно чаще коллег ставят задачу провести инструктаж очередной смены перед заступлением в караул. Этот опытный профессионал служит здесь почти с первых лет создания базы, отлично знает все нюансы охраны и обороны вверенных военных объектов. Богатый опыт вкупе с учебой на обоих курсах окружной Школы подготовки сержантов являются той надежной основой для обеспечения качественной охраны объектов.

В день празднования образования базы коллектив данной части поздравили представители командования, местных органов власти, общественности. Заботясь о полевой выучке воина, дружный коллектив базы вносит весомый вклад в укрепление обороноспособности Узбекистана.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвар».
Фото автора.



Сержантлар тайёрлаш мактабида

СИНОВЛАР АРАФАСИДА

Ҳарбий округларда фаолият кўрсатаётган сержантлар тайёрлаш мактаблари Куролли Кучларимиз сафларига юксак малакали кичик командирлар, яъни профессионал посбонлар тайёрлаб бераётган билим масканларидандир. Айни кунларда ушбу таълим муассасаларида қатор мутахассисликлар бўйича сабоқлар олаётган ва билимларини мустаҳкамлаётган юртимиз мардлари давлат имтиҳонларини топшириш арафасида.

— Мактабимизда кичик сержант унвонига эга бўлган ҳарбий хизматчилар таҳсил олишиб, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашди, малакаларини оширишди. Синов ва имтиҳонлардан сўнг улар сержант унвонига эга бўладилар, — дейди сержантлар тайёрлаш мактаби масъул ходими офицер Абдувоҳид Бозоров. — Машғулотлар малакали офицер ва Куролли Кучлар хизматчиларидан иборат ўқитувчилар томонидан олиб борилмоқда. Курсантлар барча йўналишлар бўйича яқка тартибда ва гуруҳлараро ўзаро мусобақадон. Шунингдек, машғулотларга ижодий ёндашиш, кўпроқ янгиларга интилиб, уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича ўқитувчилар ва цикллар ўртасида ҳам мусобақаларни йўлга қўйганмиз. Энг илғор ва намунали ўқитувчи офицерлардан Нозимжон Абдураҳмонов, Руслан Беккеров ва Фазлиддин Нарзуллаевларни айтиб ўтишимиз мумкин. Ўқитиш услубияти бўйича эса офицерлар Маннобжон Умиров, Илҳом Сагинбоев ва Сергей Кло-

буковлар етакчилигидаги циклларни алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

— Машғулотлар шинам ва қулай ўқув хоналарида, замонавий техника ва технология воситалари, кўргазмали қуроллар ҳамда компьютерлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда малакали ўқитувчилар томонидан олиб борилди, — дейди курсант О.Йўлдошев. — Янги фанлар қатори янги циклларнинг ҳам ташкил этилгани малака ва маҳоратимиз ошишида муҳим ўрин тутмоқда.

— Анчадан буён шартнома бўйича хизматдаман. Ҳарбий хизмат ҳаётимнинг мазмунига айланган. Сержантлар тайёрлаш мактабида малакамни ошириб, келгусида офицерликка ўқиш ниятидаман, — дейди яна бир курсант Б.Мухторов.

Курсантларнинг ҳар томонлама шаклланишида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкам йўлга қўйилгани ҳам ўзига хос ўрин тутмоқда. Ўтказиладиган тад-

бирлар, учрашувлар ва мусобақалар посбонларимизга кенг ҳаётий сабоқлар беради. Кунин кеча Маънавият тарғибот маркази шаҳар бўлими ва «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. «Инсон қадри улуг, хотираси боқийдир» деб номланган мазкур тадбирда мактаб шахсий таркиби ва иккинчи жаҳон уруши фахрийлари ўртасида учрашув ташкил этилди.

— Бундай тадбирлар посбонлар қалбида ватанпарварлик туйғуларини янада мустаҳкамлаши билан ҳам аҳамиятлидир, — дейди офицер Аҳмадали Ортиқов. — Кексаларимизнинг ибратли ҳаёт йўллари ёш авлодда фахр, матонат ва жасорат туйғуларини шакллантиради. Уларга бўлган ҳавас туфайли қалбларда эзгу мақсадлар пайдо бўлади ва боболарга муносиб издош бўлиш масъулияти чуқурроқ англаб этилади.

Ҳадемай имтиҳонларни муваффақиятли якунлаб, хизмат бурчларини адо этишга жўнаб кетадиган посбонларимиз миллий армиямизга муносиб бўлишларига ишончимиз комил.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ЖАРАЁН

МАҲОРАТ, ТАЖРИБА ЮКСАЛЯПТИ

Қуролли Кучларимизда йил сайин ҳарбий кадрларни тайёрлашга бўлган эътибор, талаб ошмоқда. Хусусан, юртимизда фаол яшаш курсатаётган Сержантлар тайёрлаш мактаблари профессионал, малака ва бой тажрибага эга кичик командирлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ерда таҳсил олган ҳарбий хизматчилар ўз ўрнида қўл остидаги посбонларнинг ҳам билимли, етарли малакага эга бўлишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Дарҳақиқат, кичик командирларнинг ўз соҳасининг билимдони, етук мутахассиси бўлиб шаклланишида, етакчилик қобилиятига эга бўлишида Сержантлар тайёрлаш мактабларининг ўрни ниҳоятда каттадир.

Курсантлар соҳалари бўйича малакали устоз офицерлардан таълимнинг янги дастури асосида сабоқ олишиб, ўз билим ва маҳоратларини янада мустаҳкамлашапти. Жумладан, ҳайдовчилик бўйича малака ва тажрибасини ошираётган бўлғуси кичик командирлар назарий сабоқлар ниҳоясида дала-ўқув машғулотларида иштирок этишди.

Курсантларга ўқиш давомида замонавий ҳарбий муҳандислик техникаларининг тузилиши, уни бошқариш ва носозликларини бартараф қилиш бўйича малакали офицерлар сабоқ беришди, – дейди йигин раҳбари майор Аҳмадали Аҳмедов. – Бир ой давомида эса улар дала-ўқув машғулотларида қатнашиб, техникани бошқариш бўйича малакаларини оширдилар.

Йигин мобайнида курсантларга зарур шарт-шароитлар яратилди. Амалий машғулотларга кўп йиллик тажриба ва малакага эга бўлган йўриқчилар жалб қилинди.

– Йигинда иштирок этаётган курсантлар бир неча йиллардан буён қисм ва бўлинмаларда ҳайдовчи вазифасида хизмат қилиб келишмоқда, – дейди батальон командири офицер Султон Нишонов. – Шу боис амалий машғулотларда уларнинг билим, тажриба ва кўникмаси яққол сезилиб турди. Улардаги тиришқоқлик, янгиллик қизиқиш, замонавий техникани бошқаришни ўрганишга интилишнинг ўзиёқ соҳага бўлган ҳавасни кўрсатади.

Сержантлар – Полвон Жалилов, Бахтиёр Абдезов, Бекзод Сайфиддинов ва кичик сержант Ербол Ашурбоевлар курсантларга нафақат техникани бошқаришни, балки турли шароитларда юзага келадиган носозликларни тезда бартараф қилиш бўйича йўл-йўриқлар бердилар.

– Сержантлар тайёрлаш мактабида соҳам бўйича

ча пухта билим олаётган, – дейди кичик сержант Икром Ғофуров. – Бу ерда яратилган шароитлар менга ва сафдошларимга жуда манзур бўлди. Ҳайдовчилар йигинида иштирок этиб, замонавий муҳандислик техникаларини бошқариш сир-асрорларини ўргандим. Албатта, замонавий техникаларни бошқаришни билишимиз шарт. Шу боис ҳам диққат-эътиборимни кўпроқ амалий машғулотларга қаратдим. Айни кунда эса, олган билимларимиз бўйича имтиҳон топшираётимиз. Ўйлайманки, мактабда олган сабоқларим хизматим давомида, қўл остидаги посбонлар билан ишлашда муҳим омил бўлади.

Кичик сержантлар – Қаҳрамон Эшонқулов, Ҳошим Фозилов, Собир Раҳмонов, Санжар Тоғаймуродовлар ҳам сафдошларининг гапларига қўшилган ҳолда, йигин мобайнида билим ва кўникмалари янада ошганлигини таъкидлашди.

Ишончимиз комилки, профессионаллик сари даядил одимлаётган кичик командирлар миллий армиямизга муносиб бўлиб, билдирилатган юксак ишончини оқлайдилар.

Аҳроп ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.



ТЕХНИКА СОЗЛИГИ – ШАЙЛИК ОМИЛИ

Шу кунларда Мудофаа вазирининг буйруғига асосан барча қисм ва бўлинмаларда қурол-яроғ ва техникаларни ёз мавсумида фойдаланиш режимига ўтказиш ишлари кўтаринки суръатда давом этапти.

Мазкур тадбирга қадар қисмларда ҳарбий хизматчилар билан буйруқда кўрсатиб ўтилган тегишли мавзулар бўйича машғулотлар олиб борилди. Қурол-яроғ ва техникани иссиқ об-ҳаво шароитида ишлатиш, мавсумий хизмат кўрсатиш, хавфсизлик қоидаларига риоя этиш масалаларига алоҳида эътибор берилиб, ҳарбий хизматчиларнинг билим ва кўникмалари янада оширилди. Машғулотлар сўнггида бу борадаги билимлар синовдан ўтказилди.

Шунингдек, қурол-яроғ ва техникани ёз мавсумида фойдаланиш режимига ўтказиш бўйича кўргазмалар амалий машғулотлар ҳам ўтказилиб, посбонларга бу борада етарли билимлар бериляпти.

– Айни пайтда қисм шахсий таркиби қурол-яроғ ва техникани ёз мавсумида фойдаланиш режимига ўтказиш ишларини белгиланган режа асосида олиб бораёпти, – дейди офицер Улуғбек Қиличев. – Бунга қадар барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар билан назарий ва амалий машғулотлар ўтказилди. Шунингдек, тех-

ника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича ҳам тушунтириш ишларини олиб бораётишимиз.

Таъкидлаш жонзори, қисмда бўлинмаларга техник ёрдам кўрсатиш мақсадида таъмирлаш бўлинмаларининг куч ва воситалари билан махсус электр жиҳозлар, аккумулятор батареялари ва алоқа воситаларининг, қурол-яроғ ҳолатининг, техникаларнинг буғ ва ҳаво клапанларининг текшириш ҳамда ёнғинга қарши воситалар таркибидаги баллонлар вазинини тортиш, филтер ва ҳаво тозалагичларни ювиш, брезентдан тайёрланган буюмларни таъмирлаш, пайвандлаш ва мойлаш каби ихтисослаштирилган постлар ташкил қилинди.

– Мазкур постларнинг ташкил этилиши ишнинг анча енгиллатишга, сифатини оширишга хизмат қилаёпти, – дейди автомобилчилар секцияси командири кичик сержант Мўмин Қодирқулов. – Албатта, қурол-яроғ ва техниканинг ҳар томонлама созлиги жанговар шайликнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу боисдан ҳам бириктирилган техникаларнинг ҳаминша шай

туришини таъминлашга ҳаракат қиламиз. Ёз мавсумида ўтишга қадар ўтказилган машғулотлар мобайнида сафларга яқинда қўшилиб, ҳайдовчи вазифасига тайинланган аскарлар билан алоҳида қўшимча машғулотлар олиб бориб, уларнинг соҳа бўйича билим ва кўникмаларини янада оширишга катта эътибор қаратдик.

Гуруҳ командири офицер У.Қиличевнинг таъкидлашича, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар, оддий аскарлар – Тўлқин Дониёров, Дилмурод Тангиров, Сайфулло Усмонов, Синдор Рўзиев, Абдувоҳид Алиматов кабилар ўзларига бириктирилган қурол-яроғ ва техникаларни ёз мавсумида фойдаланиш режимига ўтказиш ишларида фаол иштирок этишиб, сафдошларига намуна бўлишмоқда.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, қисм шахсий таркиби қурол-яроғ ва техникани ёз мавсумида фойдаланиш режимига ўтказиш ишларини юқори савияда олиб боришмоқда. Бу эса жанговар шайликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Аҳроп ПОЗИМОВ.

РАЗВИТИЕ

ШИФОКОРЛАР ЙИГИНИ

Марказий ҳарбий округда санитария-эпидемиология ва ҳарбий даволаш муассасаларининг шифокорлари иштирокида йигин бўлиб ўтди.


Йигинда дунёда ва минтақамизда ўта хавfli инфекцияларнинг учраш ҳоллари, уларнинг профилактикаси ва эпидемиологияси, қўшинлардаги санитария-гигиена ҳолатини янада яхшилаш, озиқ-овқат маҳсулотларининг санитар экспертизаси каби кўплаб масалалар атрофида кўриб чиқилди.

– Юртбошимизнинг «ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини Мудофаа вазирлиги тизимида таъминлаш борасида жойларда амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги маълумотлар иштирокчиларга тақдим этилди, – дейди Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат маркази бўлими бошлиғи тиббий хизмат майори Абдуғани Юлдашев. – Йигин давомида мавзуларнинг долзарблигидан келиб чиққан ҳолда, маърузаларга кўплаб мутахассислар жалб қилинди.

– Бундай тадбирларда қатнашиш, айниқса, биз – ёш офицерлар учун жуда зарур, – дейди тиббий хизмат лейтенанти Тўлқин Тошпўлатов. – Аввало, назарий билимларимизни янада бойитиб олдик. Амалий машғулотлар давомида эса кўникмалар ҳосил қилдик. Қолаверса, соҳанинг малакали мутахассислари томонидан берилган маълумотлар ва кўрсатмаларга таянган ҳолда, келгуси фаолиятимизни такомиллаштириш имкониятига эга бўлдик.

– Йигинда, ўзаро тажриба алмашиш, санитария-эпидемиология ва юқумли касалликлар борасидаги энг сўнгги янгиликларни, профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда юқори самарадорликка эришиш йўлларини билиб олдик, – дейди тиббий хизмат лейтенанти Жамшид Шокиров.

Катта лейтенант Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.



Выставка собак «Узбекистан-2009»

ДОГ-ШОУ ВСЕХ ПОРОД

Состоявшаяся на днях в Ташкенте традиционная Международная сертификатная выставка собак всех пород «Узбекистан-2009» стала важным событием в кинологическом мире не только Узбекистана, но и стран, входящих в IKU (Международный кинологический союз).

Организованная и проведенная Республиканским клубом служебного собаководства РЦТ и ПВС ОСО «Ватанпарвар», она стала очередным шагом по пути наиболее полного раскрытия потенциала узбекистанских собаководов, способствовала обмену опытом между кинологами различных ведомств.

Многочисленные гости, хозяева собак и их питомцы, от громадных алабаев и мастифов до благородных мопсов и изысканных чау-чау, стойко переносили все трудности, хотя из-за большого числа участников программа выставки собак «Узбекистан-2009» затянулась до позднего вечера. Примечательно, что, несмотря на накрапывающий дождь и другие капризы погоды, практически все заявленные участники прибыли своевременно, и дог-шоу, как принято сегодня называть такие мероприятия, прошло весело, бодро и организованно.

Есть в этом значительный вклад и представителей кинологических служб Министерства обороны, Министерства внутренних дел и Министерства по чрезвычайным ситуациям, Пограничных и Караульных войск. Отлично подготовленные воспитанники питомников силовых структур являются главными героями традиционных показательных выступлений. Военные кинологи по роду своей службы заинтересованы в повышении качества используемых на служебной, розыскной, охранной и другой работе собак и являются самыми массовыми, активными и организованными участниками всех мероприятий, призванных способствовать развитию служебного собаководства в Узбекистане.

В кинологических подразделениях Министерства обороны в этом году хорошо подготовили для участия в выставке своих питомцев военные кинологи младшие сержанты О. Саттаров и З. Азимов, рядовые по контракту А. Гадаев и В. Ражапов. Особую благодарность организаторы выставки выразили подполковнику Хасану Шарапову, оказавшего оргкомитету действенную организационную поддержку.

О высоком потенциале кинологической службы Министерства обороны свидетельствует и то, что по итогам выставки шесть собак были отмечены дипломами и медалями. В их числе среднеазиатские овчарки Басар и Дельфин, восточно-европейские овчарки Джек и Рекс. Восточно-европейская овчарка Соня получила оценку «большая перспектива», а ротвейлер Шера – «очень хорошо».

Кстати, восточно-европейская овчарка Соня, подготовленная служащей Вооруженных Сил Марией

Колесниковой, заняла призовое место и на конкурсе костюмов.

На столь масштабных выставках четвероному питомцу мало пройти экспертизу и быть признанным лучшим в своей породе. Здесь наибольшие страсти разгораются на сравнительных рингах, где выбирается победитель группы пород, получающих звание «Лучшая собака группы пород» и титул BIG.

В этом году победителями «Best in group» стали: немецкая овчарка Амбер с Рокат Баши (владелец М. Рустамбаев), ризеншнауцер Хильда Бест Майк Варм (В. Маймескулов), йоркширский терьер Габриэль (И. Мокрецова), американский коккер-спаниель Дарси Блэк Даймонд (В. Сейфулина), померанский шпиц «Special one of Royal» (И. Любарчук).

Собака, занявшая второе место в «Best in group», получает титул R.BIG. Этой весной его заслужили – среднеазиатская овчарка Тайше (О. Логинов), ньюфаундленд Веллингтон из Медвежьего Яра (И. Климоц), бультерьер Брейв Стинг Берлин Флау (А. Пашков), чау-чау Бумер EXCLUSIVE (Ф. Назиров).

Победители «Best in group» приняли участие в «Best in show» вместе с получившими звание «Лучший бэби выставки» американским коккер-спаниелем Франческа Голд (О. Киндалова), «Лучшим щенком выставки» ши-тцу Ликса (В. Талалуев), «Лучшим юниором выставки» среднеазиатской овчаркой Пума (О. Павлова), «Лучшим ветераном выставки» 9-летней среднеазиатской овчаркой Айна Санам (О. Клевандов).


Кульминацией выставки стал суперфинал по определению «Лучшей собаки выставки», который провела эксперт из России Лариса Малачева. Звания победителя выставки, кубка и всех полагающихся при этом наград международной сертификатной выставки собак «Узбекистан-2009» удостоился померанский шпиц «Special one of Royal» (И. Любарчук).

В завершение стоит отметить, что оргкомитетом были приложены все усилия для того, чтобы всем владельцам собак были созданы равные условия вне зависимости от клубной принадлежности. Каждый участник выставки собак «Узбекистан-2009» пережил со своим питомцем незабываемые моменты успеха, счастья, сбывшихся и несбывшихся надежд. И унес с собой с выставки не только фотоснимки, красочный каталог, заслуженный диплом, медаль, кубок или ценный приз, но и ощущения праздника, который всегда с тобой.

Владимир КАЛОШИН.
Фото автора.



ФАРҲОДНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ



Ватанни ҳимоя қилиш йигит кишининг бурчидир. Бугун Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, с а д о қ а т ёшларимиз қалбида жўшурмоқда. Ўзбекистон миллий университети

фалсафа факультетининг 1-курс талабаси Фарҳод Мўминов ана шундайлар сирасидан. Болаликдан ҳарбий хизматга боришни орзу қилганман, – дейди у. – Армиядан келган қишлоқдош акаларим билан кўп ҳамсухбат бўлардим. Мана, мен ҳам улар каби йигитлик бурчимни ўтаб қайтдим. Яхши хизмат қилган сафдошларим қаторида тавсиянома билан тақдирландим. Тест синовларига кўрган тайёргарлигим ва менга берилган имтиёз сабаб, ўқишга қабул қилиндим. Талабаликнинг ҳам ўзинга яраша гапни бор экан. Илм олиш билан биргаликда ёшлар билан ишлаш гуруҳи – «Тафаккур шайдолари»да, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган йигитлардан иборат «Қалқон» посбонлар


гуруҳи фаолиятида мунтазам қатнашяпман. Сурхон воҳасининг ўғлони билан суҳбатлашар эканман, юртимиз байроғини дунё узра баланд кўтараётган Тоштемир Муҳаммадиев, Абдулла Тангриев, Давлат Чориев каби кўплаб полвонлар кўз олдимда гавдаланди. Сабаби, Фарҳод спортнинг миллий кураш тури билан шуғулланади.

– Фарҳод Мўминов тиришқоқлиги, қолаверса ташкилотчилиги билан ажралиб туради. Жамоат ишларида фаол қатнашадиган талаба. Курсдошлари билан биргаликда уни гуруҳ сардори этиб тайинлаганмиз, – дейди гуруҳ раҳбари Фарҳод Пармонов. – У келажакда ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишига ишонаман.

Ёшлар тарбияси, уларга чуқур билим бериш, жисмонан соғлом, ақдан етук кадрларни тайёрлаш муҳим вазифалардан саналади. Ҳаёт мактабида ҳар томонлама тобланиб, илм чўққиларини забт этаётган Фарҳод каби иқтидорли ёшларимиз қасрда, қайси соҳада фаолият юритмасин, юртимиз келажаги, халқимиз фаровонлиги йўлида фидойиларча хизмат қилишига ишонамиз.

Шунқор БҮРИЕВ.

Фахрийлар – фахримиз



● Ватанни сев, тупроғини ўп, Ҳар қаричи муқаддас бизга...

Абитуриент – 2009

ШАРАФЛИ КАСБГА САРАЛАР МУНОСИБ

Юртимизда ҳарбий соҳанинг нуфузи тобора ортиб, кун сайин обрў-этиборли касбга айланиб бораётгани айни ҳақиқат. Ёшларимиз орасида ўз ҳаёт йўллариини шарафли соҳа билан боғлашни мақсад қилганлар кўпчиликини ташкил этапти.

Матълумки, мамлакатимиздаги бошқа олий ўқув юртларидан фарқли равишда олий ҳарбий билим юртларига қабул бирмунча барвақтроқ бошланади. Яъни Президентимизнинг тегишли фармойишига асосан олий ҳарбий билим юртларига ҳужжат топширган абитуриентлар учун тест синовлари 10 июлда амалга ошириб келинапти.

Шунга кўра, олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кирмоқчи бўлганлар йил бошиданоқ жойлардаги мудофаа ишлари бўлимларида сараланади. Тегишли синов шартларидан муваффақиятли ўтган номзодлар кейинги босқичга йўл оладилар.

Навбатдаги босқичда номзодлар мудофаа ишлари бошқармаларида кўриқдан ўтказилади. Шу тариқа жисмоний, тиббий ҳамда руҳий-психологик кўриқ-ташловдан муваффақиятли ўтган, хулқи, оилавий ша-

роити тегишли талабларга жавоб бера оладиган, билимли ва шижоатли ўғлонлар курсантлар сафидан жой эгаллаш учун тест синовларида иштирок этишга сараланадилар.

Шу кунларда мудофаа ишлари бошқармалари томонидан абитуриентларни саралаш босқичлари якунига етказилди. Жумладан, Сирдарё вилоят мудофаа ишлари бошқармаси томонидан ҳам энг муносиб номзодлар ажратиб олинди. Эътиборли томони шундаки, сараланган ўғлонларнинг кўпчилиги муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлардир. Бу армиянинг чинакам ҳаёт мактаби эканини, ёшларимиз келгуси ҳаёт йўллариини белгилаб олишларида муддатли ҳарбий хизмат улкан имкониятлар эшигини очиб бераётганини яна бир бор кўрсатади.

– Офицерлик – шарафли касб. Бу соҳада асл мардлар, Ватан тақдирини ўз тақ-

дири деб билган, машаққатлардан чўчимай, гайрат камарини маҳкам бойлаган фидойилар хизмат қилишади, – дейди муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган, курсантлик сари интилаётган сирдарёлик Адҳам Оққўзиев. – Мен ҳам эл-юртимга сизқидилдан хизмат қилиб, етук офицер, моҳир командир сифатида юртимни, истиқлолни ҳимоя қилишни хоҳлайман.

– Эр йигит учун эл хизматида кўра эзгу иш борми, – дейди Сайхунобод туманида яшовчи Дилшод Комилов. – Армияда хизмат қилиш давомида болалигимда пайдо бўлган истак аниқ мақсадга айланди. Командирларимнинг берган сабоқлари ва соҳа бўйича олган билим, кўникмаларим ҳарбийликка бўлган ҳавас ва қизиқишимни янада орттирди. Мана, мақсад йўлида олган интилайман. Интиланга толе ёр дегаиларидек, астойдил ҳаракат қилсам, мақсадимга етаман.

Ҳаёт мактабида тобланган бундайини ўғлонлар юрт қорига камарбаста фарзандлар бўлиб етишишларига ишонамиз.

Майор Шахриёр МАТНАЗАРОВ.

ОРЗУСИ – ЮРТ ҲИМОЯЧИСИ БЎЛИШ

Асаматдин Турсунбеков Нукус шаҳрида туғилган. Болалигидан шарафли касбга меҳр қўйган ўғлон мактабни тутатгани ҳаманоқ армияга – ҳар бир эр йигитнинг бурчи бўлган муддатли ҳарбий хизматни ўташга йўл олди. Мактабда яхши ўқигани, спорт билан мунтазам шуғулланиб келгани сабаб белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтди.

Армия унинг ҳаётида туб бурилиш даври бўлди, десак янглишмаймиз. Ҳаёт мактабида ўғлон ҳар томонлама шаклланди, чинқиди, дунёқараши кенгайди. Айниқса, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида ҳаминша пешқадамлар сафида бўлди. Посбоннинг қизиқиши, ҳарб илмини ўрганишга бўлган муҳаббатини кўрган офицерлар С. Хушбақов, К. Жўраевлар хизмат давомида унга соҳа сирларини ўргатиб, йўл-йўриқлар беришди. Бу ўз навбатида ўғлоннинг ҳар томонлама етук Ватан ҳимоячиси бўлиб шаклланишида муҳим аҳамият касб этди.

Муддатли ҳарбий хизмат давомида ўзининг фаоллиги, ташаббускорлиги, юксак интизоми билан кўзга ташланган, соҳага оид билимларни пухта ўзлаштирган ўғлон бир неча бор қисм қўмондонлигининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. Шунингдек, қисм қўмондонлиги тавсияномасига ҳам сазовор бўлди.

Ҳозирги кунда Тошкент давлат техника университети нефть ва газ факультетининг 3-курсида таҳсил олаётган Асаматдин мутахассислиги бўйича билимларни чуқур ўзлаштириши билан бир қаторда, университет ҳарбий кафедрасида ҳам таҳсил олмақда.

– Келажакдаги орзуларим катта, – дейди у. – Университетни битиргач, ҳаётимни шарафли касб билан боғламоқчиман. Армиядаги командирларим каби юрт ҳимояси йўлида сизқидилдан хизмат қилишни кўнглимга тукканман.

Қалбида она Ватанига, халқига меҳру муҳаббати жўш урган қатъиятли ўғлоннинг орзуси ушалишига аминмиз.

Жаҳонгир БОЙҚОБИЛОВ, ЎзДЖТУ талабаси.

САМАРАЛИ АЛОҚАЛАР

Ёшларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, шарафли, фахрли касб – ҳарбийликка қизиқтириш йўлида муҳим ишлар амалга оширилмақда.

МХХ Чегара қўшинлари ҳарбий қисмлари ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик замирида ҳам ана шу улуввор мақсад ётади. Жиззах олимпия захиралари коллежида ташкил этилган «Ёш чегарачилар» клубида ҳам бу борада турли тадбирлар, ўзаро мулоқотлар тез-тез ўтказиб турилади. Бундан ташқари, клуб аъзолари ҳарбий қисмларда ўтказиладиган машғулотларда ҳам қатнашиб, жанговар қуроллардан фойдаланиш, посбоннинг Умумҳарбий низомларда белгиланган вазифа ва мажбуриятлари борасида атрофлича тушунчага эга бўлишади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, келгусида мазкур клуб аъзоларининг кўпчилиги ҳаётини ҳарбийлик билан боғлашга аҳд қилишган.

– «Ёш чегарачилар» клуби фаолиятини йўлга қўйишимиздан асосий мақсад ёшлар онгига мамлакатимиз чегараларини кўриқлаш, эл-юрт тинчлигига посбон бўлиш қанчалик фахрли, шарафли иш эканини чуқурроқ сингдиришдан иборат, – дейди коллежнинг чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик фани раҳбари, захирадаги офицер С. Чориев. – Ёшларимиз Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган янгиланишлар, ўзгаришлардан яхши хабардор. Уларнинг бу

борада кўпроқ маълумотга эга бўлишида ҳарбий қисмлар билан яқин ҳамкорлигимиз муҳим аҳамият касб этади.

«Ёш чегарачилар» клуби аъзоларига ҳарбий қисмда офицер У. Мамадалиев ўтказган машғулот ниҳоятда манзур бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, давлат чегараларини кўриқлашда кўрсатган мардлиги, матонатини учун «Жасорат» медали би-

лан тақдирланган шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Нўъмон Апарбоев билан ташкил этилган суҳбат ҳам катта таассурот қолдиргани шубҳасиз.

Бу каби учрашувлар ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида муҳим ўрин тутиб, уларда Ватан ҳимоячиси бўлиш орзусини уйғотади, шакллантиради.


Майор У. АНАРБАЕВ.



КАТТА АДРОН КОЛЛАЙДЕРИ

● Матбуотда коллайдер деб номланган қандайдир қурилма ва ядровий изланишлар олиб боровчи халқаро ташкилот ҳақида ўқиб қолдим. Иложи бўлса, газета саҳифалари орқали бу борада кенг-роқ маълумот бериб ўтсангизлар.

Кичик сержант Ойбек РУСТАМОВ.



Резерфорд давридан бери микролам физикасида битта усул қўллаб келинмоқда: иккита заррача бир-бири билан тўқнаштирилса, натижаси нима бўлади? Атом ядросигача етиб бориш учун миллионлаб электронвольт энергия керак бўлган бўлса, материянинг кварк структураси гигаэлектронвольтлар бўлганида ўзини намоён қилаяпти. Тўқнаштириш борасида Эйнштейннинг $E=mc^2$ формуласига асосан ҳар қандай заррачаларни олиш мумкин. (Албатта, бунда сақланиш қонуни шарт). Уларнинг кўпчилиги тезда парчаланиб кетади. Лекин парчаланиш излари бўйлаб биз нима билан иш кўрганамизни билиб олишимиз ҳамда назариянинг башоратларини текшириб кўриш мумкин бўлади. Айнан мана шу йўл билан Глэшоу—Вайнберга—Саламаннинг электр кучсиз ўзаро таъсир назарияси доирасидаги массаси 100 Гэв бўлган бозонлар (кучсиз ўзаро таъсирни кўчирувчи заррачалар) 1983 йили топилган эди. Бугунги кунга келиб Стандарт модел назарияси башорат қилган барча элементар заррачалар ўз таъсирини топди. Фақатгина битта Хиггс бозонининг ҳисобга олмаганда. Унинг топилиши бошқа заррачалар ўз массаларини қаердан олишгани тушунириб берган бўлар эди. Ушбу бозонни топиш эса CERN да қурилган LHC Катта адрон коллайдерининг асосий вазифасидир. «Time» журнали Катта адрон коллайдерининг ишга туширилишини 2008 йилдаги энг муҳим илмий воқеа сифатида баҳолади.

Шу ўринда айтиш лозимки, CERN – ядровий изланишлар бўйича Европа ташкилоти ҳисобланиб, жаҳондаги юқори энергияли физиканинг энг катта лабораториясидир. У баъзан ядровий изланишлар бўйича Европа Маркази деб ҳам юритилади. CERN аббревиатураси французча Conseil Europeen pour la Recherche Nucleaire (Ядровий изланишлар бўйича Европа кенгаши) сўзидан олинган.

CERN Швейцария ҳамда Франциянинг чегарасида, Женева шаҳри яқинида жойлашган бўлиб, иккита асосий ҳамда бир нечта майда майдончалардан иборат. Биноларнинг катта мажмуаси иш кабинетлари, лабораториялар, ишлаб чиқариш бинолари, омборлар, конференциялар ўтказишга мўлжалланган заллар ва бошқа биноларни ўз ичига олади. Тезлатувчи комплекслар ер юзасида (эски тезлаткичлар Linac, PS) ва 100 метрлик чуқурликда (замонавий SPS, LHC) жойлашган.

CERNни тузиш бўйича битим 1953 йилда 12 Европа давлатлари томонидан Парижда имзоланган. Ташкилот 1954 йилнинг 29 сентябрида тузилган. Яъни жорий йилда ташкилот ўзининг 55 йиллигини нишонлайди. Шунинг айтиш лозимки, ҳозирги пайтга келиб аъзо давлатлар сонини 20 тага етган. Бундан ташқари баъзи давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчи мақомига эга. Ташкилотда доимий равишда 2500 одам фаолият кўрсатади. Бундан ташқари 85 мамлакатнинг 580 университет ва институтларидан 8000 га яқин физиклар ва инженерлар халқаро экспериментларда иштирок этишади ва вақтинча ишлашади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги муаммоларни бартараф этишда халқаро ташкилотларнинг эришган муваффақиятларидан сўнг Европа олимлари бундай ташкилот физика соҳасида тажрибаларни ўтказиш учун зарур деб ҳисоблашди. Улар орасида машҳур олимлар Рауль Дотри, Пьер Оже ва Лев Коварски, Эдоардо Амальди ва Нильс Бор бўлган.

CERNда қилинган экспериментлар мобайнида бир нечта йирик кашфиётлар қилинган. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилар: гаргамель пуфак камераси ёрдамида нейтрал токларнинг очилиши; UA1 ва UA2 экспериментларда W- ва Z-бозонларнинг кашф этилиши; LEP тезлаткичидаги экспериментларда нейтрино хиллари сонини аниқлавиши; PS210 экспериментда антиматериянинг биринчи атомлари — антиводород атомлари яратилиши; NA48 экспериментда CP-симметриянинг тўғридан-тўғри бузилиши аниқлавиши.

Таъкидлаш лозимки, 55 йиллик фаолияти мобайнида ушбу ташкилотнинг барча тезлаткичлари ҳаммаси бўлиб 10 нанограм антиматерия олишга эришган.

Физика фанидаги кашфиётлардан ташқари, CERN жаҳон тўри гипертекст дастури орқали ҳам машҳур бўлди. Инглиз ва белгиялик олимлар Тим Бернерс-Ли ва Роберт Кайо 1989 йили LEP коллайдерда ўтказилаётган тажриба бўйича изланувчилар ўртасида ахборот алмасувини энгиллаштириш учун глобал гипертекст дастурини таклиф этишади. Бошида лойиҳа CERN ичидаги тармоқларда фойдаланилади. Шу тариқа CERNда биринчи веб-сайт 1991 йили пайдо бўлади. Лекин ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида тафсилотли рўйхатлар URI, HTTP ва 1993 йилнинг 30 апрелида эса CERN жаҳон тўри барча фойдаланувчилар учун эркин деб эълон қилинди.

Ҳозирда мутахассслар Катта адрон коллайдерининг қай даражада ишлаши синовдан ўтказилаётгандаги бузилиши оқибатларини тиклаш ва бошқа заиф томонлари бор-йўқлигини яна бир бора текшириб кўриш жараёни билан машғул. Шу сабабли жорий йилнинг баҳорига мўлжалланган тажрибалар 2009 йилнинг кузига қолдиришга келишилган.

Мансурхон ТОИРОВ,
физика-математика фанлари доктори, профессор.

НАЙДЕНО ДРЕВНЕЙШЕЕ КОПЬЕ

Хорошо сохранившийся наконечник деревянного копья, сделанного 38–45 тысяч лет назад, найден западнее Любляны.

Директор института охраны культурного наследия Словении (ZVKDS) Барбара Надбат (Barbara Nadbath) отметила, что деревянное орудие такого рода найдено впервые.

Наконечник удалось обнаружить благодаря подводным археологам, которые обследовали речной берег в районе деревни Синья Горица на месте предполагаемого строительства.

Орудие сделано из тиса, и на одной его стороне сохранились следы смолы, которой был покрыт наконечник. По форме он напоминает каменные наконечники позднепалеолитической селетской культуры, существовавшей в Центральной Европе 35–50 тысяч лет тому назад. Датировки словенских археологов подтверждены независимыми исследованиями, произведенными в Оксфордском университете и в крупнейшей лаборатории радиоуглеродного анализа Beta Analytic в Майами.




КОРАЛЛОВЫЕ РИФЫ ТРЕБУЮТ ПОМОЩИ

Имеющие огромное значение для мировой экономики и практически разрушенные коралловые рифы планеты не смогут восстановиться без помощи человека даже в самых отдаленных местах.

Такое мнение высказал в интервью РИА Новости президент Глобального союза коралловых рифов, координатор Комиссии ООН по партнерству в устойчивом развитии и новых технологиях для небольших островных государств, известный океанолог доктор Томас Горо.

«Изучение рифов сейчас сводится к поиску последних поврежденных останков, поскольку никакая часть региона не является недоступной для лодок, бомб и цианидов рыбаков, а также растущей угрозы глобального потепления, новых болезней, загрязнения с земли и осаживания с лишней лесов суши, — считает океанолог. — Эти бесценные естественные функции можно поддерживать лишь в том случае, если поврежденные рифы будут восстановлены».




ХОНАДОН

Пазандалик сирлари

ФУНЧОЗА ВА САБЗАВОТЛАР БИЛАН ҚОВУРИЛГАН ГҲШТ

Керакли масалликлар: 500 г фунчоza, 400 г лаҳм мол гҲшти, 1 дона қизил сабзи, 1 дона пиёз, 2-3 бош саримсоқ, 3 ош қошиқ ўсимлик ёғи, 2 ош қошиқ соя, кўкатлар, таъба кўра мурч.

Пиёз билан сабзи сомонча шаклида тўғралади. Саримсоқ майда кирғичдан ўтказилади. ГҲшт узунчоқ шаклда тўғралиб, қиздирилган ёғда 5 дақиқа давомида қовурилади. Унга пиёз ва сабзини солиб, аралаштириб турган ҳолда 3-5 дақиқа қовурилади. Сўнгра саримсоқ ва сояни кўшиб, мурч сепиб, яхшилаб аралаштирилади ва 5 дақиқача димлаб, оловдан олиб кўйилади. Алоҳида идишда сув қайнатилиб, унга фунчоza солинади ва 2-3 дақиқа қайнатилади. Сувдан силқитиб олингач, гҲштли масаллик устига солиниб, яхшилаб аралаштирилади. Дастурхонга кўкатлар билан безатилган ҳолда тортилади.



ОЛАДЬИ С ПОМИДОРАМИ


На 4 порции:

1 кг картофеля; соль; молотый черный перец; 100 г растительного масла для жарения; 500 г помидоров; 1 зубчик чеснока; 4 стол. ложки растительного масла; 1 пучок петрушки.

Нагреть духовку до 150°. Картофель очистить, вымыть, натереть на крупный терке, посолить и поперчить. Разогреть на большой сковороде растительное масло, выложить картофель небольшими порциями, немного примять и жарить с каждой стороны по 10-12 мин. Готовые оладьи положить на бумажное полотенце, чтобы впитался лишний жир, затем положить на покрытый бумагой противень и держать в теплой духовке.

Помидоры вымыть и разрезать каждый на 4 порции. Чеснок очистить, пропустить через пресс и смешать с помидорами. Влить растительное масло и перемешать, посолить, поперчить. Петрушку вымыть, обсушить.

Противень с картофелем достать из духовки. Распределить помидоры на картофельных оладьях и запекать в духовке 3-5 мин. Выложить на тарелки и украсить петрушкой.



Знаете ли вы...

ЧЕМ ПОЛЕЗНА СВЕКЛА

С давних времен люди употребляли свеклу. Наличие в ней различных витаминов играет важную роль в профилактике авитаминозов. В листьях свеклы содержится 50 мг витамина С и много витамина А.

По содержанию йода свекла занимает 1-е место среди овощей. Благодаря большому количеству витаминов, минералов, калия, она благотворно воздействует на сердечную деятельность.

Свекла незаменима при диете. В овоще содержится органическое вещество — бетаин, который способствует расщеплению и усвоению белков пищи. Также он улучшает работу печени и желудочно-кишечного тракта. Даже при раке кишечника свекла рекомендуется как вспомогательное средство.



В качестве вспомогательного средства при простуде употребляют свежий сок свеклы. При насморке можно закапывать сок в нос по 2-3 капли.

При кожных воспалениях свежую кашу из свеклы прикладывают к язвам и опухолям.

Желающим сохранить здоровый цвет лица и красоту кожи косметологи рекомендуют употреблять свеклу часто. Ее сок очистит организм и укрепит здоровье.

Bolajonlar, sizlar uchun!

Qaysi kapalak qaysi gul oldiga uchib keladi?



Shunda ular Oymomoni yo'q qilish usulini ishlab chiqish uchun Kakukning chodiriga yig'ilishdi. Hech qanday chora topolmasdan u yerda bir necha kun vaqtlarini bekor o'tkazishdi.

Bir kuni kechasi mast-alast bo'lgan bu uchovlon Oymomoga qarab, uni haqoratlab, masxara qila boshladilar. Ularning yovuzligidan ko'ngli ozor chekkan mehribon Oymomo chidolmasdan yig'lab yubordi. Haqoratlari ta'sir qilayotganini bilgan Ituk, Maruk va Kakuk kundan-kun battar Oymomoni haqoratlay boshlashdi.

Oymomoning sabr kosasi to'ldi. U o'zining bu baxtsizligini Quyosh boboga aytib berdi. Quyosh bobo bu ishga chek qo'yishga qaror qildi. Bu uchovlon Oymomo Quyosh boboning singlisi ekanini va ular kunda ikki marotaba ko'rishib turishidan bexabar edi.

Quyosh bobo ulardan bu maynavozchilikni bas qilishni so'rab, murojaat qildi. Baxtga qarshi qabilada bu uchala ishyoqmas, dangasadan boshqa hamma ovga ketishgandi. Ular Quyosh boboning bu murojaatiga quloq osmay, hatto uni masxara ham qilishdi.

Shunda Quyosh bobo ularning hech qachon eslaridan chiqmaydigan qilib ta'zirlarini berishga qaror qilib, eskimoslar osmoniga olti oyda qaytib keladigan bo'ldi. Uzoq davom etadigan qutb kechasi ana shunday paydo bo'lgan ekan.

QUTB KECHASI AFSONASI

Bu voqea juda qadim zamonda, Katta Shimol kengligi tomonida, odamlar ilk paydo bo'lishi davrida bo'lib o'tgan ekan. Bu davrda eskimoslar yashil planetadagi eng baxtli xalq bo'lgan ekan. Ular to'q yashashar, yeyish-ichishdan kamchiligi yo'q, ayniqsa bir-biri bilan umuman janjallashishmas ekan. Kunduzlari ular Quyosh bobo nurlaridan bahramand bo'lib, kechalari Oymomo yorug'ida baxtli hayot kechirishar ekan. Qabila uchun barcha narsa shodlik manbai bo'lib, har kuni bayramdek o'tar ekan.

Ammo bir kuni... qabila ichidan uch kishi — Ituk, Kakuk va Maruk boshqalarning baxtini ko'ra olmaydigan bo'lib qolishibdi. Ular qabila a'zolari bilan qanday bo'lmasin janjallashishga bahona qidirishardi. Lekin bu ish bermasdi. Shunda ular barcha narsaning otasi bo'lgan Quyosh boboga hujum qilib, uni o'ldirishga qaror qilishibdi. Ular o'z qabiladoshlarini issiqlik va yorug'likdan mahrum qilib, ularning barchasi baxtsiz bo'lishini, hayotlari nochorlikda o'tishini xohlashardi.

Ular Quyoshga qarshi o'z rejasiga hafsala bilan tayyorgarlik ko'rishdi. Ayni tush payti osmonga hujum qilish uchun nayza va kamonlarini tayyorlab qo'yishdi.

Kelishgan kunda ular Quyosh tomon nayzalarini otishdi, lekin harakatlari zoe ketdi. Hamma otgan nayzalari Quyosh nurlarida erib, yerga qaytib tushardi. Ular bunga parvo qilmasdan, Quyosh tomonga katta-katta muz bo'laklarini otib, uni sovutmoqchi bo'lishdi. Ammo bu harakatlari ham ish bermadi. Muz erib, yovuz niyatlarining ustiga qaytib tushardi.



БЕКАТ

СКАНВОРД

Навой романи қахрамони																				
Самоат тури		Элемент (китобий)	Озарбайжон шоири		Сув йули	Муносиб, мос		Муносабат	Тўсатдан											
						Дунё томони														
Ўзбек мумтоз адаби						Кўпчилик														Чечак
					Италиядаги дарё															Ёгин
Саҳнадаги қаҳрамон	Тиниш белги							Маъдан, бинокорлик ашёси												
Одиллик					Л.Толстой асар қахрамони															Ақл, идрок
					Но-та			Сув (тожикча)	Бойлик											
Аёл исми					Ичимлик															Бўлинка зарра
Вафо	Америка кули	Чўл хайвони	Жануб меваси	Термин	Эътибор, обрў															
Нашра аъзолик																				Бино
Хамир бўлаги	Ўзбек тарихчи олими																			Бухоро вилояти тумани
Портовчи курол																				Қаллик
Шиддатли ёгин	Ширинлик	Эркак исми																		Фасл
Аланга					Намозни бошқарувчи															Этмоқ, таққилмақ

ГАЗЕТАНИНГ 19-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:


ЭНИГА: Мустақиллик. Нуруний. Фазо. Дўстлик. Ўроқ. Али. Ана. Ром. Драма. Работ. Канал. Вақт. Босиқ. Мато. Намуна. Ал. «ЯК». Ватан. Қашқир. Асп. Тарту. Фтор. Азал. Арслонкулов.
БҒИЙГА: Мингўрик. Сардор. Қоида. Лифт. Дока. Йўлдош. Алам. Зина. Қорасув. Ўт. Абад. Сирт. Вал. Қоя. Манат. Оқтепа. Ном. Ўш. Малина. Қатор. Афзал. Марта. Стол.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ГОРОСКОП




Ваша популярность сильно повышается, вы нужны всем — и на работе, и дома. Даже те знакомые, о которых вы уже почти забыли и которые тоже забыли о вашем существовании, могут вдруг проявиться, позвонить, прийти в гости, принести подарки или ожидать от вас услуги.



Доказывая свое превосходство, будьте мудрее. Направьте избыток энергии в созидательное русло — тогда вы почувствуете свою значимость и незаменимость. Для достижения своих целей стоит проявить уступчивость — это позволит нейтрализовать возникшие на вашем пути препятствия.




На этой неделе вам будет полезно умение делать правильные выводы с быстротой молнии. Итоги деловых встреч станут залогом доброго отношения к вам начальства. В выходные дни отдых в кругу семьи будет великолепным и совсем не скучным.



В первой половине недели особого напряжения на работе не предвидится. Середина недели принесет смену настроения: вы станете спокойнее, собраннее, проснется интерес к работе. В конце недели придется выполнить весьма важное дело, которое станет началом больших достижений.




У вас появится возможность укрепить свои позиции в той сфере деятельности, в которой вы работаете. Постарайтесь уделять больше внимания индивидуальному творчеству, решению неотложных личных проблем. Не вступайте в серьезные споры и разногласия.



Если вы всей душой заинтересованы в служебной карьере, то есть смысл обратиться за содействием к своим покровителям. Ваше спокойствие и миролюбие складят все острые моменты, возникающие на работе. Нежелательно решать какие-либо финансовые вопросы.




На этой неделе уделяйте должное внимание мелочам и не забывайте о пунктуальности. Избегайте резких перемен. Неделя удачна для визитов, встреч и организации праздников. Выходные будут полны оживленных контактов и разнообразной информации.



Благодаря профессиональной деятельности вы обретете хорошие общественные и деловые возможности. Деньги будут любить ваш кошелек, но и траты будут велики. Вы можете рассчитывать на поддержку друзей. Желательно не принимать ответственных решений.




Высшие силы будут поддерживать вас — помните об этом. Будет велико искушение разыграть своих друзей — будьте осторожнее. В конце недели стоит пересмотреть свою систему ценностей — слишком явное стремление к карьерному росту наносит ущерб вашим близким.



У вас есть прекрасная возможность обозначить и даже решить основные проблемы этого года. Рекомендуется активность и настойчивость в реализации своих планов. Удачно будет освоение новой профессии, осуществление желания может внести в жизнь существенные перемены.



Вы как никогда близки к тому, чтобы достичь вершины. Возможна интересная информация, однако не спешите с принятием решения. Возможны события, позволяющие воплотить ваши планы и замыслы в жизнь. Могут быть с особым успехом завершены повседневные дела.



На этой неделе весьма желательно отправиться в путешествие — в нем вас могут ожидать приключения или таинственные события. Стоит применить все свое обаяние для достижения карьерных высот, если, конечно, вы не считаете, что знаете ему лучшее применение.

Табассум

ВАСИЯТНОМА

Бир тижоратчи оламдан ўтганидан сўнг, унинг қолдирган васиятномасини ўқинди:
 «Қизимга 100 минг доллар билан уйимни қолдираман. Небарамга 50 минг доллар, дала ҳовли ва машинамини васият қиламан. Куёвим тирикчилигимда васиятномада унинг ҳам номи тилга олиншини роса илтмос қилганиди, унга «Алангали салом, куёвжон!» дейман»...

ФАЙЛАСУФОНА ЖАВОБ

Аёл ҳозиргина эрини кўриқдан ўткарган врачга мурожаат қилди:
 – Айтнинг-чи, доктор, бироқ-бир умид борми?
 – Бу сизнинг нимадан умидвор бўлаётганингизга боғлиқ, – деб файласуфона жавоб берди врач.

ҲАҚҚИМ БОРМИ?

Газетанинг «Савол беринг, жавоб берамиз» рункига келган мактубдан:
 «Агар меннинг самогон тайёрлайдиган аппаратимни милиция ходимлари мусодара қилишган бўлса, боқувчисини йўқотган киши сифатида нафақа олишга ҳаққим борми?»

САВОЛ-ЖАВОБ

– Сен арман тилида бунчалик яхши гапиришни қаердан ўргангансан?
 – Мактабимиздаги инглиз тили ўқитувчимиз арман эди...

ҲАЙРОН ҚОЛДИ

Эгизак қизлар кафедра ўтириб, апельсин шарбати ичимсоқда ва у ёқ-бу ёқдан сўхбатлашимсоқда. Қўшни етолда ўтирган ширакайф киши уларга тикилиб, бармоқлари билан алламбалоларини санади ва «ух» торганча олдидаги рюмкани суриб қўйди.
 – Ҳайрон бўлманг, амаки, – деди унга эгизаклардан бири. – Кўзингизга иккита бўлиб кўринмаяпмиз. Биз ҳақиқатан ҳам эгизаклармиз!
 – Тўрттовларинг ҳамми?!

У АРСИЙДИ...

Телевизорда хоризж сериали тугаганидан сўнг хотин эридан сўради:
 – Кўрдирдингизми, йингит қизни қанчалик севар экан. Сиз ҳам шундай сева оласизми?
 – Ҳа, у қиз чиройли экан, сева арзийди.

ҚАЁҚКА КЕТДИ?

Бошлиқ жаҳл билан котибасига ўшқирди:
 – Столимнинг устидаги чағи қаёқка кетди?! Мен ахир унга бир неча телефон рақамларини ёзиб қўйган эдим-ку!

ХАРИД ҚИЛИНГ!

Янгилик! Юз учун суперкрем! У нафақат юз терингизни майин ва силлиқ қилади, шунингдек, дугоналарингизда ҳасад ажинларини пайдо қилади!

С. ПҒЛАТОВ тайёрлаган.

Рекорды Книги Гиннеса



Книга рекордов Гиннеса зафиксировала новый рекорд песни хором после того, как 160 тысяч человек спели в Индии несколько песен на стихи местного поэта.



«Seat Ibiza Ecomotive» — самый экономный в мире автомобиль. Он преодолел без дозаправок 1562 км, расходуя в среднем 2,9 литра топлива на 100 км пути.



Гигантский арбуз не менее 29 кг, выращенный фермером из Рамат а-Шарона Разом Ицхаком, претендует на внесение в Книгу рекордов Гиннеса в качестве самого крупного арбуза планеты.

ДУНЁ НАФАСИ

«ТИТАНИК»НИНГ СЎНГГИ ЙЎЛОВЧИСИ

«Титаник»нинг қариялар уйда яшаётган сўнги йўловчисига шу номли фильмда роль ўйнаган машҳур актёрлар Леонардо ди Каприо ва Кейт Уинслетлар саховат кўрсатишди. Аниқроқ қилиб айтганда, 96 ёшли Милвине Дин номидаги жамғармани ташкил қилишганини эълон қилишди. Айтиш лозимки, Дин машҳур кема ҳалокатга учраганида бор-йўғи икки ойлик чакалоқ бўлган.

Интернетда тарқатилган хабарга кўра, жамғарма Белфастда рўйхатга олинган.

Уч йил муқаддам Диннинг сон суйги синган ва шундан бери Англиянинг Саутгемптон шаҳридаги қариялар уйда истиқомат қиляпти. У ўтган йилнинг октябрида яшаши ва даволаниши учун ҳақ тўлаш мақсадида «Титаник» билан боғлиқ айрим шахсий буюмларини кимошди савдосига қўйишга мажбур бўлган.




«КЎТАРМА ХОНАДОН»

Грек архитектори Аристид Антонас ғаройиб ғояни ўртага ташламоқда, яъни юк кўтаргич машинага бир хонали уйни жойлаштиришни таклиф қиляпти.

Лойиҳа муаллифи бу ғоянинг афзаллигини шундай изоҳламоқда: биринчидан, тураржой мобил ва хавфсиз бўлади. Негаки бошқарув нуқтаси хона ичида жойлашади. Иккинчидан, хонани исталган баландликка, яъни атроф ўзингизга ойнадан қулай кўринадиган даражага кўтаришингиз мумкин.

Архитектор ғоясига кўра, «кўтарма хонадонда» кроват, шкаф, ҳожатхона, уй кинотеатри, овқатланиш ва ёзиш учун мўлжалланган стол ва чўмилиш хонаси бўлади.



БИР ОЙДА 300 МИНГ SMS

Калифорниянинг Сакраменто шаҳрида яшовчи Кристалл Виски бир ой давомида 300 мингдан зиёд SMS йўллаган. Бу – кунига ўртача 10 минг, соатига 421 ва минутига 7 та SMS, дегани.

18 ёшли Кристалл ҳафтасига 40 соат «Мак-Дональдс» да ишлайди ва мактабда ўқишга ҳам улгуради.

«Қўлим шунга ўрганиб қолган», дея журналистларга изоҳ беради «SMS жинниси».

Онаси Жеки Вискининг айтишича, бир ойча муқаддам қизига «iPhone» сотиб олиб берган. Шундан бери уни тўхтатишнинг иложи бўлмапти экан.



УЕФАНИНГ ҚАРОРИ ҚАТЪИЙ

Европа футбол уюшмаси иттифоқи (УЕФА) нинг интизом қўмитаси томонидан Англиянинг «Манчестер Юнайтед» ва Испаниянинг «Барселона» жамоаларининг ҳакамлар қарорини бекор қилиш тўғрисида қилган илтимосномаси қондирилмади. Жамоалар Римда 27 май куни кечадиган Европа чемпионлар лигаси финал баҳси олдидан дисквалификация қилинган футболчилар тўғрисидаги ҳакамлар қарорини бекор қилишмоқчи эди.

Демак, футболчилар Дарен Флетчер, Эрик Абидал ва Даниэл Алвеслар финал учрашувида иштирок эта олишмайди.

Мазкур масала юзасидан порозилик аввало қўмита интизомий регламентига кўра, учрашув тугагандан кейин 24 соат ичида билдирилиши керак. Жамоалар бу муддатни эътиборга олишмаган. Қолаверса, ўз вақтида билдирилганида ҳам ҳакамлар қарори тўғри бўлганини, унинг ўзгартирилмаслигини интизом қўмитаси мутахассислари таъкидлашмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Террорчилар кўлга олинди

Италия полицияси Бари шаҳрида Франциянинг «Руасси – Шарль де Голль» халқаро аэропортида террорчилик актларини амалга оширишни режалаштиришда тахмин қилинган икки кишини ҳибсга олди.

Полицияда улар террорчилик актини «самолётлардан фойдаланган ҳолда» амалга оширишни мўлжаллаган, деб ҳисоблашмоқда.



ЧП в мадридском метро

Вагон мадридского метро сошел с рельсов. В результате аварии четыре человека получили легкие ранения.

Инцидент произошел утром на линии 6, передает РИА Новости со ссылкой на Национальное телевидение Испании (TVE1). Вагон метро сошел с рельсов на перегоне между станциями «Монклоа» и «Университетский городок». Линия метро на этом отрезке перекрыта. Причины аварии пока неизвестны, передает ИТАР-ТАСС.



Газ қувурида портлаш

Москва шаҳрининг ғарб томонидаги газ қувурида содир бўлган портлаш трубаларнинг нотўғри пайванд қилингани ва, эҳтимол, газ босимининг ошиб кетганлиги сабабли юз берган, деб баёнот берди Россия пойтахти мэри Юрий Лужков.

Унинг айтишича, газ қувури бурилган жойларнинг бирида унинг диаметри бир метрдан 70 сантиметргача кичрайиб кетган ва бу айнан шу жойда босимнинг ошиб кетишига олиб келган, деб хабар беради «Интерфакс» ахборот агентлиги.



В Шри-Ланке почти 50 убитых

Не менее 49 человек погибли, еще 56 получили ранения в результате прямого попадания мины в здание больницы на севере Шри-Ланки. Среди погибших и пострадавших – пациенты больницы, а также случайные прохожие, сообщил представитель тамилских сепаратистов из организации «Тигры освобождения «Тамил илама» (ТОТИ).



Microsoft облигациялар чиқариш пиятида

Дастурий таъминот буйича дунёдаги энг йирик ишлаб чиқувчи Microsoft Corp. компанияси ўз тарихида биринчи марта облигациялар чиқаришни режалаштирмоқда, деб хабар қилади Bloomberg ахборот агентлиги. Ушбу облигациялар 5, 10 ва 30 йил муддатга чиқарилиши эълон қилинган.

Облигациялар буйича олинмаган даромад миқдори ҳозирча маълум қилинмаган, бироқ у яқин вақт ичида эълон этилиши мумкин. Облигациялар чиқариш ҳажми одатда камида 500 млн. долларни ташкил этади, деб таъкидлайди агентлик.



Объявлены лауреаты «нобелевской премии» в области музыки

В шведской столице объявлены имена лауреатов музыкальной премии Polar Music Prize 2009 года, которую называют «нобелевской премией в области музыки». Ими стали британский музыкант Питер Гэбриел и пианист из Венесуэлы Хосе Антонио Абре, передает ИТАР-ТАСС.

ТАНЛОВ

Ягонасан, муқаддас Ватан!

ЮРАКДАН ЯРАТИЛГАН АСАР ЮРАККА ЕТИБ БОРАДИ

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ёш авлодни комил шахслар этиб вояга етказиш, она Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 7 апрелда қабул қилинган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарори бу борадаги эзгу ишларнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир.

Ушбу танловнинг мазмун-моҳияти, ёш авлод тарбияси, маънавияти, дунёқарашидаги тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин САЙИД ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

«Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» китобида инсон ўзлигини англагани, маънавияти шаклланиши сари Ватанга муҳаббат туйғуси ҳам улғая боришига эътибор қаратилган. Бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимизнинг яққо ягона эканлиги, бу муқаддас замин фақат бизга аталгани боис шу азиз юртга эҳтиром туйғуси ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимизнинг мазмунига айланиши зарурлиги алоҳида таъкидланган. Дарҳақиқат, азалдан ўзи туғилиб ўсган заминга ҳурмат ва эҳтиром, уни муқаддас билиш туйғуси халқимизга хос фазилатлардан саналади. Негаки, томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Инсоннинг имон-этиқоди, руҳияти, тафаккури, ҳаёти ва тақдири, ўсиб келаётган авлодлар келажаги ўзи туғилиб ўсган замин билан чамбарчас боғлиқдир.

Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг маънавий меросида, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби аждодларимизнинг асрлар оша бизга етиб келаётган асарларининг мазмун-моҳиятида ҳам айни шу эзгу ва улғувор ғоялар мужассам экани фикримиз исботидир.

Давлатимиз раҳбарининг «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказишга оид қарорида Ўзбекистонимизга бўлган чексиз меҳримизни изҳор қилиш, гўзал ўлкамиз мадҳини юксак пардаларда тараннум этиш, халқи-

миз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ҳам шундай олижаноб туйғуларни камол топтиришга доир кенг кўламли вазибалар белгилаб берилган. Хужжатда ўғил-қизлар қалбида юртпарварлик туйғусини қўшиқ орқали қарор топтириш, ватанпарварлик руҳи билан йўғрилган мазмунан теран, бадий етук кўшиқлар яратишни рағбатлантириш каби мақсадлар ўз ифодасини топган.

Зеро, мусиқа инсон қалби ва онгу шуури, руҳиятига, маънавий дунёсига ғоят ўзига хос тарзда таъсир этувчи қувватга эга катта кучдир. Айни пайтда мусиқа кишиларнинг энг эзгу орзу-умидлари, руҳий кечинмалари билан боғлиқ бўлиб, ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб кетган. Ёшларни жаҳон миқёсида тобора кучайиб бораётган «оммавий маданият»дан ҳимоялашда, миллий табиатимиз, менталитетимизга ёт зарарли ғоялардан асраб-авайлашда, уларни ҳаётга, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган, имон-этиқоди бутун, баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб қайтаришда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Шеър – кўнгил мулки. Юракдан яратилган шеър юракка етиб боради, дейдилар. Яхши кўшиқ учун, аввало, яхши шеър керак. Яхши шеър жозибали куйга солинса, мукамал кўшиққа айланади. Қарордан кўзланган мақсад ҳам халқимиз, айниқса, униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида юртга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш, ватанпарварлик руҳи билан йўғрилган мазмунан теран, бадий етук ва мукамал кўшиқлар яратишдан иборатдир. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини юксак савияда,

кўтаринки руҳда ўтказиш учун халқимизнинг атоқли шоирлари, маданият ва санъат намояндалари, бастакорлар, маънавият тарғиботчилари, жамоат ташкилотлари, ижодий бирлашмалар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари жалб этилган.

Ижодий танловда профессионал, ҳаваскорлик бадий жамоалари, ансамбллар ва яққа ижрочилар, шунингдек, мактаблар, олий таълим муассасалари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими масканлари, ҳарбий қисмларнинг жамоалари, иштирок этишни истаган барча ҳамюртларимиз қатнашиши мумкин. Кўрик-танловда қатнашиш учун шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлигида яратилган Ватан, истиқлол, миллий ўзликни англаш мавзуидаги янги кўшиқлар, мусиқий асарлар қабул қилинади. Бу эса матни ҳам, куйи ҳам айрим ижрочиларнинг ўзлари томонидан «яратилиб», шеърят талабларига мутлақо жавоб бермайдиган сўзлар жамланмасининг кўшиққа айланиши билан боғлиқ муаммага барҳам беришга хизмат қилади. Ватан – муқаддас туйғу. Уни мадҳ этувчи кўшиқлар ҳам ҳар қандай саёзликдан, юзакиликдан холи бўлмоғи даркор.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида давлатимиз раҳбарининг мазкур қароридан келиб чиққан ҳолда тегишли вазибалар белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Назмда ҳам, мусиқа ва ижрочилик санъатида ҳам халқимиз бой ва бетакрор улкан бадий-ижодий меросга, бебаҳо анъаналарга эга. Шундай маънавий ҳазинанинг вориси бўлган адибларимиз бугунги кунда ҳам ўша юксакликни йўқотмаслик керак. Барчамиз учун энг азиз ва муқаддас Ватан ҳақида кўшиқ яратаётганда ижодкорларимиз жараёнга айни шу мезонлар асосида ёндашсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

ЎЗА мухбири
Назокат УСМОНОВА ёзиб олди.

САНЪАТ ШАЙДОЛАРИ БЕЛЛАШАР БУНДА

Жорий йилнинг апрель ойида Президентимизнинг «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Хўш, Мудофаа вазирлиги тизимида мазкур қарор ижроси юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда? Саволимизга жавоб олиш мақсадида Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази – Марказий офицерлар саройи бошлиғи подполковник Икромжон Ҳикматовга мурожаат қилдик.

– Ўртоқ подполковник, жойларда кўрик-танловни ўтказиш бўйича ташкилий ишлар қандай йўлга қўйилган?

– Ҳарбий округ, ҳарбий қисм ва муассасаларда, шунингдек, Мудофаа вазирлиги қўшинларида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови ҳамда Умумармия кўшиқлар фестивалини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби ва Низоми тасдиқланган.

Тегишли ташкилий қўмита кўрик-танлов босқичларини юқори савияда ўтказиш бўйича ташкилий ва ижодий ишларни мувофиқлаштиради, амалий ёрдам кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, кўпчилик учун яхши таниш бўлган «Мардлар қўриқлайди, Ватанини» Умумармия кўшиқлар фестивалининг номланиши ва ўтказилиш тартибига ўзгартиришлар киритилди. Демак, эндиликда у янги кўрик-танлов билан уйғунликда ва ягона ном остида ўтказилади.

– «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови ҳамда Умумармия кўшиқлар фестивалининг босқичлари ва иштирокчилари ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

– Биринчи босқич гарнизонларда кўтаринки руҳда ўтказилди. Ҳарбий округлар миқёсидаги беллашувлар 15 майдан 20 июнга қадар давом этади. Учинчи босқич эса Мудофаа вазирлиги доирасида 20 июнь ва 20 июль оралиғида бўлиб ўтади. Сўнгги босқичда энг кўп балл тўплаган бадий жамоа ёки ижрочи, яъни мутлоқ ғолибга Республика кўрик-танловида иштирок этиш учун йўлланма берилади.

Кўрик-танловда ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар, уларнинг она аъзолари, шунингдек, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари ва Мудофаа вазирлиги Алоҳида намуналик ўргазмалли ҳарбий оркестри ижодкорлари иштирок этиши мумкин.

– Ижодий чиқишлар қайси йўналишлар бўйича сараланади ва уларни баҳолаш мезонлари қандай?

– Йўналишлар қуйидагича: бадий жамоалар ижросидаги саф кўшиқлари; алоҳида иштирокчиларнинг муаллифлик, лирика ва эстрада кўшиқлари; Мудофаа вазирлиги ижодий жамоаларининг хонандалари ва санъаткорлари ижро этган ватанпарварлик руҳидаги кўшиқлар.

Кўрик-танловга тақдим этилган асарлар 10 балли тизимда баҳоланиб, энг аввало, кўшиқ мусиқасининг оригиналлиги, матнининг таъсирчан, бадий образларга бойлиги, мазмундорлиги, халқоналиги, юртга меҳр-муҳаббат ва истиқлолга садоқат ғояларининг қай даражада тараннум этилишига эътибор қаратилади.



Ишончимиз комилки, ёш авлод қалбида гўзал туйғуларни камол топтириш, бадий жиҳатдан мукамал кўшиқлар яратишни рағбатлантириш ва бу ишга профессионал, ҳаваскор муаллифларни жалб этиш, ҳарбий хизматчиларда маънавий-ахлоқий тарбияни юксалтириш, умумармия кўшиқлари савиясини оширишдек мақсадларни кўзлаб ўтказилаётган янги кўрик-танлов юрт посбонлари, қолаверса, халқимиз эътиборига тушади ва анъанага айланади.

Катта лейтенант Учқун САЙДНАЗАРОВ
сўхбатлашди.

КОНЦЕРТ ОБРАЗЦОВОГО ОРКЕСТРА

В Республиканском музыкальном колледже состоялся традиционный ежегодный отчетный концерт Образцового показательного оркестра Караульных войск. В зале собрались любители и знатоки духовной музыки, руководители ряда музыкальных коллективов, офицеры и военнослужащие по контракту Главного управления войск, преподаватели и учащиеся колледжа и других музыкальных учебных заведений столицы.

Концерт открылся величественным исполнением марша полковника Павла Макарова «Ватанпарвар». В этот вечер прозвучали не только марши и музыка отечественных авторов, но и хорошо известные слушателям «Танго» А. Пьяцолла и «Классический рок-н-ролл» Д. Хигинса, бессмертные произведения известных композиторов Ф. Вуде, Д. Германа, Ж. Тизола и других. Мастерское владение инструментами продемонстрировал солист оркестра сержант Анарбай Даулатаров, исполнивший на саксофоне в сопровождении оркестра пьесу Л. Бонди «Ласковый дождь». Прекрасно исполнили свои партии сержант Петр Таганов и рядовой по контракту Назим Гулиев – труба, сержант Жумабай Уришбаев, рядовой по контракту Николай Новосад и воспитанник Азизбек Абдураимов – тромбон, Марат Дуйсебаев – труба и рядовой по контракту Жамшид Кенжаев – ударные инструменты.

Украшением концерта стало виртуозное исполнение импровизаций на темы народных узбекских мелодий на нас народным артистом Республики Узбекистан Абдулахадом Абдурашидовым и на гуслях заслуженным артистом Абдурахмоном Холтоджиевым. Исполнение каждого номера многочисленные зрители встречали восторженными аплодисментами. Руководителю – дирижеру капитану В. Яковлеву и ведущим солистам было подарено немало букетов цветов. В завершение концерта военные музыканты с особым энтузиазмом исполнили марш Х. Бланкенбурга «Прощание гладиаторов».

Коллективу оркестра нет и десяти лет, но в музыкальном мире он уже известен. Его основу составляют, в основном, бывшие воспитанники оркестра, многие из них имеют высшее и среднее специальное музыкальное образование. Кстати, и сегодня в оркестре десять воспитанников в возрасте от 13 до 17 лет. Оркестр постоянно участвует в проведении различных воинских ритуалов: встречах воинов нового пополнения, проводах, увольнениях в резерв, принятии Военной присяги, проведении разводов, собраний, государственных праздников. Его музыканты – частые гости в частях и подразделениях Караульных войск.

...Концерт удался, оркестр с честью подтвердил свое название образцового, сумел показать с блеском свою профессиональную зрелость.

– Концерт получился отличным, – поделился своими впечатлениями сержант резерва Мухаммет Закиров, два года назад ушедший на заслуженный отдых. – Я, как бывший военнослужащий, от души рад успеху моих товарищей и даже чуть-чуть им завидую. Одним словом, молодцы ребята! Так держать и дальше!

Николай ЧУРСИНОВ.

ХОТИРА

ФАХРИЙЛАР КЎРГАЗМАСИ

9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Қуролли Кучлар Марказий музейида ижодкор фахрийлар ва Ўзбекистон бадий академияси ижодий уюшмаси рассомлари мўйқаламига мансуб асарлар кўргазмаси очилди. Унда йигирмага яқин рассомнинг ижодий ишлари намойиш этилди. Бундай кўргазмаларни ташкил этиш музейда яхши анъанага айланган.

Катта авлод ижодкорлари орасида уруш мавзусига мурожаат этмаганлар топилмасе керак. Фашизмга қарши улкан муҳораба улар ижодиди бор фожиаси билан акс этган десак хато бўлмайди.

Бу урушда миллатимизнинг асл фарзандлари жасорат намуналарини кўрсатиб, жанг майдонларида ҳалок бўлдилар. Қаҳрамон бўлиб юртга қайтганлари мамлакат ривожини, юрт ободлигини йўлида фидойиларча хизмат қилиб келмоқдалар. Улкан муҳорабанинг тамом бўлганига ҳам олтинчи йилдан ошиб қолди. Шундай бўлса-да, ижодкорлар бу мавзунини мўйқаламда такрор ва такрор ёритадилар.

Музейда очилган кўргазмада манзаралар, портретлар, натюрмортлардан иборат ўттиздан ортиқ асарлар кўйилган. Улардан айниқса рассом Геннадий Серовнинг иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонларига бағишланган триптихи диққатга сазовор. Юқорида айтиб ўтганимиздек, кўплаб ўзбекистонлик жангчилар бу урушда ўз қаҳрамонликлари билан афсонага айланганлар. Улардан бири ўзбек ўғлини мерган Баҳ-

ром Расимовдир. Генерал Собир Раҳимовнинг довораклиги, жасорати ҳам тилларда дoston бўлди. Рассом триптихида улар қиёфаси акс этган. Оддий аскар Азамат Болтабоев кўргазмадан олган таассуротларини шундай ўртоқлашди:


– Мен табиат манзаралари акс этган асарларни яхши кўраман. Кўргазмада баҳор ва куз шу қадар ёрқин бўёқларда акс этганки, беихтиёр кўлимга мўйқалам тутгим келиб кетди. Чунки буш вақтларимда астойдил берилиб бажарадиган машғулоти – бу расм чизишдир.

– Мен ҳам расм чизишга қизиқман, – дейди курсант Мақсуд Машраббоев. – Фахрийлар ижоди мени ҳайратга солди. Урушга бағишланган асарларни ҳаяжон билан кузатдим. Ёш мерган йигитнинг мардонавор қиёфаси кўз олдимда сақланиб қолгандек, гўё.

– Таниқли рассомлар Муборак Йўлдошев, Эркабой Машарипов асарлари менга болаликдан таниш, – дейди курсант Бунёд Обруев. – Бугунги кўргазмада уларнинг янги асарлари намойиш этилди. Қисқа қилиб айтганда, бир олам таассуротлар олдик.

Ҳа, фахрийлар ижоди шу куни кўпларни ҳайратга солгани шубҳасиз. Нуроний отахонларимизнинг мўйқалам тутган кўллари асло толмасин.

Инобат ИБРОХИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.



ЎТГАНЛАР ЁДИ

**Ўғлоним, аждодинг хотирин асра,
Кизгиним, элигни қадрига еттин.
Тарихга кулоқ тут, нигоҳ сол аста.
Илқингда не бурч бор чин адо эттин,
Сен унга содиқ бўл ҳар дам, ҳар нафас,
Хотира азиздир, қадр муқаддас.**

Фарзандларимизни миллий анъаналаримизга содиқ, маънавий комил инсонлар қилиб тарбиялашда маданий тадбирларнинг ўрни беқиёс. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан таълим муассасаларида ўтказилган учрашувлар, кечалар, тантанали тадбирлар ҳам улар ҳаётида катта аҳамият касб этганига шубҳа йўқ. Чунки бу икки авлод учрашуви демакдир. Яъни жанггоҳлардан омон қайтган, она замин ободлиги ва истиқлолини асраш йўлида ёшлик шижоати, кучу ғайратини баҳишда этган кекса отахону онахон – уруш ва меҳнат фахрийлари бу кун давралар тўридан жой олишди.

Мудофаа вазирлигига қарашли 171-умумтаълим мактабида ҳам Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди.

Давра тўридаги кекса отахону онахонларга эътибор бераман. Ёши саксонлардан ошган бу инсонларга қараб туриб, бир ҳақиқатни – улар чеккан ранжу заҳматнинг бесамар кетмаганини, мана шу дорилармон кунларда, мустақиллик фарзандларининг тўкин бахтида уларнинг ҳам улкан ҳиссаси борлигини англаш мумкин.

– Ҳозир қувончга тўлиб, фахрланиб ўтирибман, – дейди уруш фахрийси Тельман ота Игамназаров. – Аввало, мустақиллик даврида гуллаб-яшнаётган юртимиз бағрида кексалик гаштини суриш насиб этганига беадад шукр. Биз кексалар доимо эъзоз, эътибордамиз. Ушбу мактабдаги тадбирларга ҳам бизни таклиф этиб туришади, ҳолимиздан хабар олишади, совғалар бери-

шади. Бундай ҳурмат ва қадр учун уларга миннатдорчилик билдираман. Ўғил-қизларнинг доно, зукколигини қаранг. Бундай фарзандлари бор Ватаннинг келажаги янада порлоқ бўлиши шубҳасиз.

Ҳа, ўтганлар хотирасини доимо ёдда сақлаш, кексаларни қадрлаш, эъзозлаш улуғ фазилят. Юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, «Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилятларимизни улуғлашни назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли, изтиробли сана ўрнимизга келадиган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашга, улар қалбида Ватан ва юрт учун гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади». Бу ҳақиқатни байрам тадбирида иштирок этаётган ўғил-қизлар нигоҳидан ҳам англаш қўйин эмас.

– Хотира ва қадрлаш кунига катта тайёргарлик кўрдик, – дейди мактаб директори Наргиза Мелибоева. – Мактабимиз ҳудудидида жойлашган «Охунбобоев», «Алпомиш», «Гулистон», «Бўз II» маҳаллаларида истиқомат қилаётган 20 нафар уруш ва меҳнат фахрийларига совғалар бердик. Уларнинг ҳолидан хабар олдик. Ўқитувчи ва ўқувчиларимиз бундай юмушни шубҳасизки меҳр билан адо этишади. Ушбу байрам тадбирини кўтариник руҳда, тантанали ўтишида 8«б» синф ўқувчилари ва синф раҳбари Ольга Яковенко, мактабимиздаги «Табассум» ансамбли стакчилари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Людмила Хворикова ҳамда Анатолий Хвориковларнинг катта ҳиссаси бор.

Тадбир ниҳоясида фахрийларга гулдасталар, эсдалик совғалари тақдим этилди.

Зарина НИШОНОВА.

БАРДАВОМ АНЪАНАЛАР

Юртимиз бўйлаб 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган турли тадбирлар давом этмоқда. Байрам концертлари, фахрийлар билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети раҳбарияти ташаббуси билан Қуролли Кучлар Марказий музейининг «Ўзбекистон иккинчи жаҳон уруши йилларида» экспозициялар залида ўтказилган тантанали тадбир ҳам шулар сирасидан. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти фаоллари, университет ҳарбий кафедраси офицер ва талабалари, жамоат ташкилотлари вакиллари, курсантлар ва аскарлар иштирок этдилар.

– Иккинчи жаҳон урушида Ўзбек ўғлонлари кўрсатган жасорат, мардлик тўғрисида ҳар қанча фахрланиб сўзласак арзийди, – дейди ТошДТУ ҳарбий кафедраси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник Тўлқин Ҳикматуллаев. – Бугунги авлод Собир Раҳимов, Собиржон Охунжонов, Абдуллажон Ортиқбоев каби генералларимиз, Қудрат Суёнов, Тўйчи Эрйигитов, Жуман Қорақулов каби марду майдонлар ҳақида билиши, уларга муносиб бўлишга интилиши керак. Уйлайманки, бу каби учрашувлар талабаларимизнинг миллий қадриятларимизга, анъана ва урф-одатларимизга содиқ, буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлиб етишишида, уларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилятларнинг қарор топишида улкан аҳамият касб этади.

Учрашув давомида фахрийлар билан Қуролли Кучлар марказий музейи бўйлаб сەҳат уюштирилди. Тадбир якунида уруш ва меҳнат фахрийларига ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Майор Тимур АБДУВАЛИЕВ,
ТошДТУ ҳарбий кафедраси ўқитувчиси.

ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ



Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳовлисида талабалар, профессор-ўқитувчилар, институт жамоаси, ҳарбий кафедра шахсий таркиби, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

– Ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлаш аслида биз учун миллий қадриятга айланган. Эътибор, ғамхўрлик киши

кўнглини тоғдек кўтаради. Юртимизда фахрийларга кўрсатилаётган ҳурмат-эътиборга ҳавас қилса арзийди, – дейди ҳарбий кафедра бошлиғи офицер Ғани Қурбонов.

– Бугунги учрашув орқали иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳалок бўлган сафдошларимизни, ҳозир орамизда бўлмаган дўстларимиз, ҳамкасбларимизни яна бир бор эсладик, ёдга олдик, – дейди

институт ўқитувчиси, уруш ва меҳнат фахрийси Эркин Абдуразоқов. – Урушдан сўнг бир гуруҳимиз мана шу даргоҳда таҳсил олдик. Ўқишни битиргач, узоқ йиллар талабаларга сабоқ бердик. Гарчи кўпчилик бугун сафимизда бўлмаса-да, хотиралари қалбларимизнинг тўридан жой олган.

– Айни дамда тўлқинланиб, ҳаяжонланиб турибман, – дейди уруш қатнашчиси Очил Қудратов. – Бугунги тинч, осуда, фаровон кунларга етишиш осон кечмаган. Бу йўлда қанчадан-қанча юртдошларимизни қони тўкилган. Сизу биз гувоҳ бўлиб турган бу ёруғ кунларга не не курашлар билан эришганимизни авлодларга англаштириш, уларнинг қалбига аждодлар анъаналарига содиқлик, миллий гурур, фидойилик туйғуларини янада чуқурроқ сингдириш фахрийларнинг ҳам зиммасидаги бурч, вазифа ҳисобланади.

– Йиллар ўтаверади, авлодлар алмашади, аммо хотира мангу яшайди, – дейди институт талабаси Феруз Алимов. – Хотира ва қадрлаш деганда, мен аввало, элимизга хос бўлган меҳр-оқибат, одамийлик, катталарга ҳурмат, кексаларни эъзозлаш, уларнинг ўғитларига кулоқ тутиш, ҳаёт тажрибаларидан баҳраманд бўлиш, дуоларини олишни тушунаман.

Йигилганлар олий таълим даргоҳи ҳовлисида бунёд этилган Хотира ёдгорлик мажмуи пойига гуллар кўйинди. Тадбир сўнгида фахрийлар бир пиёла чой устида суҳбат кўрдилар.

Жамшид НИЁЗОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.

ХОТИРА

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ – ИБРАТ МАКТАБИ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар кенгаши тасарруфидаги Тошкент бирлашган техника мактабида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан уруш фахрийлари А. Ортиқбоев, М. Ҳасанов, ташкилотнинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси З. Раҳматов, Маънавият тарғибот маркази шаҳар бўлими раиси И. Абдуғаниев, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази бош директори Ш. Мўминжонов, «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими раиси ўринбосари И. Расуловлар юртимизда уруш ва меҳнат фахрийларига улкан эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

– Ҳеч кимнинг бошига биз кўрган уруш даҳшатини солмасин, – дейди Мадамин ҳожи Ҳасанов. – Бугунги ёшларга ҳавасим келади. Тинч, дорилмон замонада, озод ва обод мамлакатда яша-

моқдалар. Бунинг қадрига етмоқ лозим. Биз сизнинг ёшингизда жанг майдонларида фашизм балосига қарши курашдик. Неча-неча баҳодир ўғлонлар, жасур сафдошларимиз, юртдошларимиз ҳалок бўлдилар. Уларнинг жасорати, мардлиги фарзандларимизга ўрнак бўлмоғи, ана шундай фидойи аждодлар хотираси уларнинг қалбида чексиз ғурур, ифтихор ҳиссини шакллантирмоғи керак.

– Бугунги учрашув менда катта таассурот қолдирди, – дейди курсант Сардор Маматқулов. – Фахрийларимизнинг ҳикоялари қалбимизда бугунги тинч, фаровон кунларга шукроналик туйғусини уйғотди. Келгусида шарафли касбни танлашни ният қилган биз каби ўғлонлар учун аждодларимизнинг қаҳрамонликлари ўзига хос ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Жамшид СОБИРҚУЛОВ.
Муаллиф суратга олган.



МАНГУЛИКНИНГ ЎЧМАС ЧИРОҒИ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари, университет ўқитувчилари ва талабалари иштирок этдилар.

Тадбир аввалида уруш ва меҳнат фахрийлари – Фатхулло Нарзуллаев, истеъфодаги подполковник Гуломжон Муҳаммаджонов, профессор Фазлиддин Шариповлар иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги қийинчилик йиллари ҳақидаги хотираларини йиғилганларга сўзлаб бердилар. Уларнинг халқимизнинг бағрикенглиги, фидойилиги, юртдошларимизнинг галабага қўшган улкан ҳиссаси ҳақидаги ибратли ҳикоялари барчада катта таассурот қолдирди. Шундан сўнг университетнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Қаҳрамон Шоназаров, доцент Изолда Минбаевалар сўзга чиқиб, ўтганларни хотирламоқ, ана шундай тинчлик, осойишталикда ҳаёт кечиршимиз учун замин ҳозирлаб, меҳнат қилган аждодларимизнинг қадрига етиш – ҳар бир ёш авлод учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлиги хусусида атрофлича фикр юритдилар.

Университет ички телевиденеси раҳбари Донохон Ҳамидуллаева томонидан тайёрланган бадний лавҳалар ҳамда ҳаваскор талаба ёшлар ижросидаги концерт дастури кечага ўзгача файз бағишлади.

Тадбир ниҳоясида уруш ва меҳнат фахрийларига мукофотлар, совғалар топширилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

ПАМЯТЬ

На площадь Памяти опять
Все, как всегда, идут и ныне,
Чтобы земной поклон отдать
У монумента – у святыни.
«Глаза в слезах», как бы живые –
Так только матери скорбят...
Здесь в карауле часовые,
Как тишина сама – стоят.
У них нелегкая задача,

ВETERАНАМ – ЦВЕТЫ И ПОДАРКИ

По установившейся традиции во всех частях и подразделениях Караульных войск МВД 9 мая, в День Памяти и почестей, вспоминали и чествовали бесстрашных защитников страны, неустойчивых тружеников тыла, людей старших поколений, для которых смыслом жизни всегда было верное служение Родине.

В канун праздника офицеры, сержанты и солдаты одной из воинских частей собрались в солдатском клубе при Главном управлении Караульных войск. Они вместе с участниками Второй мировой войны и ветеранами войск отметили этот день всенародной памяти и чествования тех, кто совершил в годы Второй мировой войны немеркнущий подвиг и своим трудом принес славу стране.

Торжество открыл Образцово-показательный оркестр Караульных войск под управлением капитана В. Яковлева исполнением патриотических мелодий, маршей и песен военных лет. Затем со словами приветствия и поздравлений к собравшимся в зале ветеранам обратился командующий Караульными войсками МВД полковник Д. Пан, председатель совета ветеранов войск МВД полковник в отставке Е. Жуковский. Были зачитаны приказы о поощрении личного состава. Ветеранам войск были вручены цветы и ценные подарки.

Своим высоким исполнительским мастерством ветеранов и военнослужащих порадовали заслуженная артистка

Республики Узбекистан Тожибар Азизова и сержант Фуркат Абдумаматов. Они задумчиво исполнили песни фронтовых лет. На праздничном концерте состоялась премьера песни А. Картоева на слова ветерана войск полковника в отставке А. Абдурахманова «Менинг шонли кушинларим» («Мои славные войска»). Безусловно, апофеозом концерта стало исполнение сержантом А. Кадырхановым известных песен, многие из которых присутствующие в зале слушали стоя.

Чествование ветеранов продолжилось после концерта за праздничным столом. С поздравлениями и добрыми пожеланиями к ним обратились заместитель командующего войсками по воспитательной работе полковник М. Мухтаров, фронтовики полковник в отставке Н. Цицилин и подполковник в отставке С. Иванов, ветераны войск полковники в отставке Т. Соатов и Р. Бигенов.

Такие мероприятия, прошедшие и в других частях войск, придали им новый прилив сил и бодрости духа.

Николай ЧУРСИНОВ,
ветеран войск.

ДОИМО ЭЪЗОЗДАСИЗ

9 май – Хотира ва қадрлаш куну муносабати билан Бухоро солиқ коллежида «Ўтганлар хотираси муқаддас» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ҳамда коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этдилар.

Тадбир аввалида фахрийлар сўзга чиқиб, уруш даври хотираларини йиғилганларга сўзлаб беришди. Ёшларни тинч, осойишта замоннинг, мустақилликнинг қадрига етишга чорлашди. Истиқлол йилларида ёш авлоднинг илмлиши, жисмонан, маънан шаклланиши

учун яратилган шарт-шароитлар хусусида сўз юритдилар.

– Иккинчи жаҳон урушида минглаб ватандошларимиз қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Ўтганларни хотирлаш, эзгу ишларимиз билан улар руҳини шод этиш бизнинг инсонийлик бурчимиз, – дейди уруш фахрийси Остон Тоиров. – Бугун биз каби меҳнат фахрийларига, уруш қатнашчиларига эътибор катта, халқимизнинг иззат-икромидамиз. Бу бизнинг кўнгилмизни тоғдек кўтарди, кучимизга куч қўшди.

Неъматулло ИСМАТОВ.

ЎТКИНЧИ ДУНЁ

Дарҳақиқат, бу ўткинчи дунёнинг катта йўлида ҳамма бир манзил сари яқинлашиб бораверади. Шу йўлда бир зум тўхтаб ортга қарашга ўзингизда куч топсангиз, ўз манзилига етиб, ортингизда қолганларни кўрасиз. Кимнидир отаси, кимнидир онаси, фарзанди, дўсту нотанишлар. Бу йўлда давом этаркансиз, ортда қолганларни ёдга олиш, ҳақларига дуоини-фотиҳа қилиш сизнинг вазифангиз. Йўл давомида яна бир масъулият сизни доимо таъқиб қилиб турсин. Сизга ҳамроҳ бўлганларнинг қувончу ташвишига шерик бўлиш, кўмак бериш, йўл давомида дуч келадиган довулу бўронларга мар-

Ведь ритуалу четким быть –
Споровка, выправка их значат –
О нашей армии судить...
Живем традицией священной
Военных – грозových годов,
Горды отвагою бесценной
Героев – дедов и отцов!
Не помышляя о награде,
Кто ад войны сам испытал,

И кто своей Отчизны ради
Смерть своей гибелью попрал...
Поток людей идет с венками,
И крикнуть хочется за них:
НАМ ВОЙН НЕ НАДО
НИКАКИХ!..
Не позабыть, кого нет с нами,
Ценить оставшихся в живых!

Николай БУРТЫШЕВ.

длик ва ҳалоллик билан тик боқиш, албатта довул ортидан қуёш чиқишига уларни ишонтириш ҳам вазифангиз бўлсин.

9 май – Хотира ва қадрлаш куну. Доим жим-жит тургувчи қабристонларда бугун одам гавжум – ҳар ким ўз яқинларини зиёрат қилгани келган. Улар жисман биз билан бирга бўлмасалар ҳам, руҳан биз билан яқин. Миттигина қабр бошида мунгайиб ўтирган аёлни, навқирон йигит суратига тикилиб турган, сочларига бевақт оқ оралаган, фарзанд доғи қаддини камондек эккан отани, онажонининг муздек қабрига бағрини бе-

риб, пинҳона йиғлаётган қизни кўриб, бу дунёнинг ўткинчилигига яна бир бор иқрор бўласиз. Қачонлардир сизнинг ҳам тепангизда яқинларингиз шундай туришларини эслаб бир оз бўдса ҳам сергак тортасиз. Уша дақиқаларда сизни фақат яхши ном билан эслашларини, сиз қилган хайрли ишлар ҳақида гапиришларини чин дилдан хоҳлайсиз. Қилган савобли ишларингиз нафақат бу дунёда, охиратда ҳам сизга ёритувчи чироқ ва ҳамроҳ бўлишига ишончингиз сизни яна ва яна хайрли ишлар қилишга ундайди.

Баноат ЮНУСОВА.

МАЪНАВИЯТ

18 май – Халқаро музейлар куни

ХАЛҚ ТАРИХИ КЎЗГУСИ

Музей ўзи нима, музейшунослик фани нимани ўргатади, музейлар тарихи ва бугуни ҳақида нималарни биламиз? Келинг, азиз муштарий, ушбу қизиқарли мавзулар тўғрисида фикрлашайлик.

“Музей” юнонча “muzion” сўзидан олинган бўлиб, “музаларга бағишланган жой – эҳром” маъносини англатади. Музалар – юнон мифологиясида санъат, фан ва шеърят маъбудалари. Демак, музейларнинг дастлабки ватани Юнонистондир. Музалар кўча маънода шоир ва санъаткорларга илҳом бағишловчи илҳом парилари ҳисобланган.

Музейлар – тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи илмий, илмий-маърифий муассаса ҳисобланади. Фаолият йўналишларига кўра улар – тарихий, ҳарбий-тарихий, санъатшунослик, халқ амалий санъати, ўлкашунослик, мейморнал, тарихий шахсларга бағишланган ва турли соҳа йўналишлари бўйича бўлиши мумкин.

Халқаро миқёсда музей фаолиятини мувофиқлаштириш ва тажриба алмашиш ишларини кўп мамлакатларда миллий кўмиталари бўлган ЮНЕСКО қошидаги Халқаро музейлар кенгаши (ИКОМ) амалга оширади. Унинг асосий вазифаси: музейлар ва музейшунослик бўйича мутахассислар ишнини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш; жаҳондаги барча музейлар ҳамда музейшунослик бўйича мутахассисларни халқаро ва маданий-оқартув ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлашга жалб этиш; халқлар ўртасида ўзаро танишув ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш. Халқаро музейлар кенгашининг XI ассамблеяси қарорига кўра, 1978 йилдан бошлаб 18 май – Халқаро музейлар куни, деб эълон қилинди.

Биринчи музей Александрияда (мил. ав. III аср) музаларга бағишланган жой – Музейонда кўҳна тарихий санъат ёдгорликлари йиғмаси, мажмуи сифатида пайдо бўлган. Музейлар Европада, айниқса, уйғониш давридан бошлаб кенг ривожланган. XV асрда Италияда илк маротаба оммавий музей очилган. Римлик Фабий Пиктор биринчи маротаба ўз коллекциясини томошабинларга очиб кўргазма сифатида намойиш қилган. Лондондаги Британия (1753), Париждаги Лувр (1793), Испаниядаги Прадо, Римдаги Милан, Россиядаги Эрмитаж ва бошқалар Европадаги оммавий музейлардан ҳисобланади. Замонавий музейлар Европада махсус муассаса сифатида XVI-XVII асрларда шаклланди.

Тарихдан маълумки, ўлкамиз асрлар оша барча давлатлар, чет эл истилочиларининг доимо диққат марказида бўлганлиги туфайли, бетакрор саройлар, гўзал шаҳарлар, ноёб иншоотлар вайронга айланиб, йиғилган бебаҳо маданий бойликларимиз босқинчилар ўлжаси бўлиб келган, талон-тарож қилинган. Масалан: 1740 йилда Эрон шoҳи Нодиршоҳ Марказий Осиёни босиб олади ва Амир Темур мақбарасидаги кўп ёдгорликларни ўзиники қилиб олади. Соҳибқирон қабри устидаги нефрит тоши, Куръони карим, унинг олтин соғли қиличи ва қалқонлари Самарқанддан беҳисоб ўлжалар ичиде олиб кетилди. (Темур қабртоши йўлда синиб қолганлиги учун тезликда ортга қайтарилган).

Чоризм, шўролар даврида ҳам илмий жамиятлар, тадқиқотчи олимлар, айрим муассасалар ўз фондларини Туркистон ўлкаси минералогияси, зоологияси, нумизматикаси, этнологияси, флора, фаунасига оид ажойиб коллекциялар билан тўлдириб олдилар, натижада халқимизнинг бебаҳо маданий мероси дунёнинг барча чеккаларига тарқалиб кетди. Шунга ўхшаш мисолларни юзлаб келтиришимиз мумкин. Инсоний қадриятлар мезонига кўра, ҳар бир миллатнинг маданий бойликлари шу миллатга тегишли ва қайси бир йўллар билан олиб чиқиб кетилганига қарамай, пировардида, ўз эгаларига қайтарилиши лозим!

Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон музейлари ҳақида гапирадиган бўлсак, оммавий музейлар юртимизда XIX асрда

пайдо бўлган. Сомонийлар давридаёқ (IX-X асрлар) катта кутубхоналар, архивлар ташкил этилган. Бухоро ва Шероз амирликлари, Маҳмуд Ғазнавий кутубхоналарида инсоният яратган кўплаб нодир китоблар бўлган. Хоразмшоҳлар давлатидаги кўплаб бетакрор санъат ва маданият ёдгорликлари ҳам мўғул босқинчилари истилоси туфайли йўқотилди, кутубхоналар ёндирилди. Амир Темур ҳукмронлиги даврида “Усмон Куръони”нинг асл нусхаси Самарқандга келтирилди, дунёга машҳур Темур кутубхонаси барпо этилди. Темурий ҳукмдорларнинг барчаси, жумладан Мирзо Улуғбек, Бобурмирзо ва бошқалар илм-фан ва маданият равнақида катта ҳисса қўшдилар. Маълумотларга кўра, Алишер Навоийнинг жуда катта, нодир қўлёзмаларга бой шахсий кутубхонаси бўлган. Бу кутубхонадан тарихчи Хондамир, мусаввир Бехзод ва бошқа олиму фузалолар фойдаланганлар. Бухоро, Қўқон ва Хива хонликларида ҳам қўлёзмалар коллекциясини тўплаб, сарой ва кутубхоналар барпо этиш одат бўлган. Хива хони Муҳаммад Раҳим II ҳам ўзининг китоб хазинаси билан машҳур эди. У Ўрта Осиёда биринчи бўлиб литография ташкил қилиб, ноширлик санъатини ривожлантирди, араб, форс-тожик тилларидаги қўлёзмалар ўзбек тилига таржима қилинди. Хуллас, дунёнинг маданий ва маънавий ёдгорликларини тўплаш анъана бўлиб, у миллий хусусиятларга, урф-одатларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилган.

1975 йилда юртимизда ҳарбий-тарихий музей (қозирги Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Марказий музейи) фаолият кўрсата бошлаган. Мустақиллик йилларида Темурийлар тарихи давлат музейи (1996 й.), Олимпия шон-шухрати музейи (1996 й.), Қатагон қурбонлари хотира музейи (2000 й.) ҳамда Жиззах вилояти тарихи музейи, Навоий шаҳри тарихий ўлкашунослик музейи, Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий мейморнал музейи, Баховуддин Нақшбандий музейи, Бухорода Фитрат ва Файзулла Хўжаев музейлари, Қўқонда Муқимий музейи очилди. 1991 йилгача Ўзбекистонда 68 та давлат музейлари бўлган бўлса, 2000 йилга келиб уларнинг сони 89 тага етди. 1997 йилнинг июлида Ўзбекистон музейлари Кенгаши тузилди. Бугунги кунда дунёнинг 50 дан зиёд давлатлари миллий кўмиталари ва музей марказлари билан ўзаро ҳамкорлик олиб боришмоқда. Ҳар йили 3 миллиондан ошмиш киши музейларга ташриф буюришади, минглаб экскурсия ва лекциялар ўқилади. 1998 йилда Республика “Ўзбекмузей” жамғармаси ташкил топди. Марказий Осиё халқларининг минг йиллик тарихи, маданияти ва миллий қадриятларини ўзида жамлаган республикамиз музейлари фондларида 1 млн. 600 мингдан зиёд экспонатлар сақланмоқда.

Бугунги кунда юртимизда 89 та давлат музейи ва 700 та

оммавий музей мавжуд. Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарлари – Самарқанд, Бухоро ва Хивада давлат музей қўриқхоналари жойлашган. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида тасвирий ва халқ амалий санъатининг нодир намуналари сақланаётган Давлат санъат музейи, Республика халқ амалий санъати музейи ҳамда И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Давлат санъат музейлари ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Республикамизда музейлар фаолияти Юртбошимизнинг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг “Музейлар фаолиятига тааллуқли меъёрий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қарори, Низом ва музейшуносликка оид бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади.

Музейларда қулай ва самимий муҳит яратиш, барча ёшдаги томошабинларни, айниқса ёшларни музейга кенг жалб қилиш учун ахборот ва маърифий технологиялардан фойдаланиш жуда муҳимдир. Шу мақсадда “Музей жамғармалари Давлат каталоги ҳақида”ги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Музей ашёлари – тарих қирраларини очишга катта хизмат қилувчи, ўтмишнинг жонсиз гувоҳлари, ҳужжатларидир. Яна бир, энг асосий омиллардан бири, кадрлар масаласидир. Бу ўринда, музей ходимларининг замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириши ва уларни замонавий музейшуносликка татбиқ қилиши муҳим аҳамият касб этади. Музейга келувчиларнинг кўпчилиги учун уюштирилаётган экскурсия ва маърузаларнинг ўзи билан чекланмай, ўқув ва кино заллари, музей жамғармаларининг электрон каталогларини яратиш бугунги кун талабларига мос. Қисқаси, музейга ташриф буюрган ҳар бир томошабин экспозициялар намойишини илҳом борида тўлалигича қабул қилиб олиши, буюк аждодлари тарихини билиши ва бугунги замонавий экспозициялар намойиши орқали танишиб чиқиши, бу билан уларда миллий қадриятларимизга нисбатан ҳурмат, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш зарур. Ёшларимизга буюк аждодларимизнинг муқаддас анъаналарини тўлақонли етказиш ва сингдириш, уларни ҳақиқий ватанпарвар инсон қилиб тарбиялаш – музейларнинг бош вазифаларидан бири ҳисобланади.

Музейлар халқ тарихи кўзгуси. Бизнинг вазифамиз эса, Президентимиз таъкидлаганидек: “Буюк тарихимизни мана шундай маънавий масканлар ёрдамида авлодларимизга тўлалигича етказиб беришдан иборат”.

Дилором РАҲИМОВА,
Куролли Кучлар Марказий музейи
илмий ходими.

ЎЗИГА ХОС ЎРНИ БОР

Мамлакатимизда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида фаолият юритувчи 60 дан ортиқ маданий-маърифий музейлар ва яна ўнлаб идоравий музейлар мавжуд. Улар ичиде муодофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти қошида 2001 йил 18 майда очилган «Шонли Ватан тарихи» музейининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Мазкур музей халқимизнинг, қолаверса ёшларимизнинг маънавий-маърифий тарбиясига, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, Ватан ҳимоячиси сифатида камол топишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Бугунги кунда «Ватанпарвар» ташкилоти фаолияти билан яқиндан танишмоқчи бўлганлар экспонатлар орқали тўлиқ маълумотларга эга бўлишлари мумкин. Ундан ташқари истиқлол йилларида спортнинг техник ва амалий турлари ривожини, спортчиларимизнинг жаҳон, Европа, Осиё биринчиликларида эришган ютуқлари билан яқиндан танишиш имкони бор.


Музейга кўплаб олий ҳамда ўрта махсус, касб-хунар, умумтаълим ўқув даргоҳларининг талаба ва ўқувчилари, спорт-тех-

ника мактабларининг курсантлари, аскарлар, «Ватанпарвар» ташкилоти аъзолари ташриф уюштиришмоқдалар. Ҳозирга қадар минглаб экскурсиялар уюштирилиб, 22 мингта яқин одам музей билан яқиндан танишди. Музейдан илмий-услубий кўмак олиниб, «Ватанпарвар» ташкилотининг вилоят кенгашларида ҳам «Шонли Ватан тарихи» музейлари, маънавият ва маърифат хоналари ташкил этила бошланди.

Ҳозирги кунда «Шонли Ватан тарихи» музейининг моддий-техник базасини ривожлантириш, замонавий жиҳозлар билан босқинча-босқин таъминлаш, фаолиятини такомиллаштириш, экспозицияларга чуқур мазмун бериш ишлари давом эттирилмоқда.

Юртимизнинг давлатчилик тарихи ҳамда «Ватанпарвар» ташкилоти фаолияти билан яқиндан танишиш иштиёқи бўлганларни музейга тақдиф этамиз.

Н. КАРИМОВА, музей директори.



Суратлар архивдан олинган.

СПОРТ

Легкая атлетика

С ПРИЦЕЛОМ НА СОФИЮ

Недавно легкоатлеты МХСК успешно выступили на Кубке городов Узбекистана, проходившем в Бухаре. Это стало отличной проверкой сил наших атлетов перед чемпионатом мира среди военнослужащих, который пройдет в июне в Софии.

Превосходную спортивную форму показала прыгунья из СВВАКИУ Александра Котлярова. В прыжках в длину ей хватило результата 6 метров 13 сантиметров для победы. Саша стала также чемпионкой в тройном прыжке, улетев на 13 метров 87 сантиметров.

В секторе для метаний не было равных Алексею Шукину. Атлет из МХСК метнул копье на 52 метра 66 сантиметров, а также толкнул ядро на 15 метров 44 сантиметра, и стал победителем.

Две золотые награды добавил в копилку МХСК спринтер Игорь Гончаров. Он выиграл стометровку с результатом 11 секунд, а также дистанцию вдвое длиннее, пробежав ее за 22,41 секунды.

В беге на 100 метров с барьерами победила Зарина КадYROва из СВВАКИУ, показав мастерский результат – 13,72 секунды. Еще один представитель СВВАКИУ, рядовой по контракту Павел Холодов, стал серебряным призером в беге на 800 метров (1.55,50).

Поистине армейский характер и волю к победе показал еще один бегун из МХСК Артем Дятлов. Накануне соревнований он преодолел некие трудности. Но команду не подвел, выиграв забег на 400 метров (49,65) и заняв второе место в беге на 400 метров с барьерами (53,57). В хорошей форме нахо-



дится и серебряный призер Всемирных военных игр 2007 года рядовой по контракту Анна Сидорова. Аня выиграла одну из своих коронных дистанций 1500 метров (4.32,18) и стала бронзовым призером в беге на 400 метров с барьерами (1.02,90).

Достоинно продолжает победные традиции нашей известной бегуны Людмилы Дмитриди ее дочь, Диана. В Бухаре Диана заняла второе место на дистанции 200 метров (26,22) и третье на 400 метров (59,86).

Вот и в забегах стайеров МХСК отметились призовыми местами. На дистанции 5000 метров серебряная медаль у Ильхома Назарова (15.31,18), который также стал бронзовым призером в беге на 1500 метров (4.03,41).

В конце месяца наши спортсмены выступят еще на Кубке Узбекистана, а в июне отправятся на чемпионат мира среди военнослужащих, который состоится в столице Болгарии, – говорит старший тренер МХСК по легкой атлетике старший сержант Анвар Кучмуратов. – Так что Кубок городов в Бухаре стал для нас хорошей пробой сил.

Еще одной приятной новостью стало сообщение о том, что в очередном номере журнала «CISM magazine», издаваемом Международным военным спортивным Советом, опубликовано фото нашей бегуны Анны Сидоровой на фоне календаря соревнований на 2009 год. Кстати, в журнале помещен и отчет о чемпионате мира среди военнослужащих по боксу, где боксеры Узбекистана стали чемпионами в четырех весовых категориях, заняв командой второе место в мировой «табели о рангах». Это признание успехов наших атлетов на самом высоком мировом уровне.

Предлагаем вашему вниманию фото из журнала вместе с автографом спортсменки для читателей «Ватанпарвара».

Ермурат АЙНАТДИНОВ.

*Читатели
газеты "Ватанпарвар"
Желая увидеть и надев
рубашку Т.Сидорова!!!*

Теннис

ЖАМОАМИЗНИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ

Теннис бўйича норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланган Дэвис Кубоги баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли одимламоқда.

Осиё ва Океания зонасининг биринчи гуруҳ баҳсларида қатнашаётган вакилларимиз Япония терма жамоасига қарши мурасасиз кураш олиб боришди. Тўғри, биринчи кунги яккалик баҳсларида терма жамоамиз етакчилари Денис Истомино ва Фаррух Дўст-тов ўз рақибларини мағлуб этиб, терма жамоамизни 2:0 ҳисобида олдинга олиб чиқишганда, умумий ҳисобдаги ғалаба ҳам гўё осонлик билан қўлга киритилди дегандек туюлган эди. Лекин иккинчи кунги жуфтлик баҳсларида японияликлар теннис мухлисларимизни бироз хавотирга солиб қўйишди. Мурасасиз ва узоқ вақт давом этган биринчи сетдаги ғалаба 6:7 ҳисобида япониялик жуфтлик – Сатоши Ивабучи ва Такао Сузукига насиб этди. Иккинчи ва учинчи сетларда Денис ва Фаррух ўзаро ҳамжиҳатлик билан ғалаба қозонишди. Тўртинчи сетда японияликлар яна маҳорат кўрсатиб, ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишди. Натижада жуфтликлар ўзаро орани очиқ қилиш учун бешинчи марта кортга чиқишига тўғри келди. Ҳал қилувчи сетда ҳамюртларимиз мухлисларнинг хавотирга тушишига имкон беришмади, 6:3 ҳисобида ишончли ғалабага эришишди. Бу учинчи кунги яккалик баҳслари қандай натижа билан тугамасин Ўзбекистон терма жамоаси Дэвис Кубогининг жаҳон гуруҳидаги плей-офф баҳсларига йўлланмани нақд қилганлигини билдирарди.

Ғалаба нақд бўлгач, терма жамоа сардори Пётр Лебедь учинчи кунги баҳсларда кортга ёшларни чиқарди. Гарчи ёшларимиз – М. Иноятов ва В. Узоқов яккалик баҳсларида мағлубиятга учрашган бўлса-да, моҳир теннисчиларга қарши учрашувларда тажриба тўплашга муваффақ бўлишди. Шундай қилиб Ўзбекистон ва Япония терма жамоалари ўртасидаги беллашув 3:2 ҳисобида теннисчиларимизнинг ғалабаси билан якунланди ва вакилларимиз Дэвис Кубоги учун баҳсларни давом эттирадиган бўлди.

Расул ЖУМАЕВ.

Футбол

АСОСИЙ УЧРАШУВ САНАСИ КЎЧИРИЛДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатининг олий лига жамоалари ўртасида 9-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Саккиз беллашувда дарвозалар 19 марта ишғол қилинди.

Мутахассислар 18-миллий чемпионат ўйинларининг савияси аввалгиларига нисбатан юқориликни эътироф этишаётган бир пайтда пешқадам ва унинг таъқиби яна осонлик билан йирик ҳисобда ғалаба қозонгани бу фикрларга нисбатан бироз шубҳа уйғотади. Лекин учрашув ҳакамлари мазкур турда ўйинчиларга 25 марта сариқ карточка кўрсатиб, уч нафар футболчи ва мураббийни майдондан четлатиш баҳсларининг кескин ва шиддатли кечаётганидан далolat. Шундай беллашувлардан бири Муборақда бўлиб ўтди. Ҳузорнинг «Шўртан» жамоаси олий лига баҳсларида шу кунгача «Машъал»ни сафарда мағлуб этолмаган эди. «Қашқадарё дербиси»даги бу анъана бузилди – ғузорликлар 1:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Муборақликлардан Зафар Холмуродов (67), меҳмонлардан А. Геворкян (14) ва И. Таран (71) гол муаллифлари бўлишди.

Ушбу тур тўғрисида ўртасидаги баҳсларга ҳам ойдинлик киритди. Ҳисоб тугашига 24 дақиқа қолганда майдонга тушган «Бунёдкор» ҳужумчиси Анвар Солиев «Бухоро» дарвозасини икки марта ишғол қилиб, мавсумдаги голлари сонини 5 тага етказди ва бу борада яққа пешқадам бўлиб олди. Солиевга қадар шу кунги таркибда асосий дарвозабонисиз ҳамда бошқа бир қатор йўқотишлар билан майдонга чиққан «Бухоро» жамоаси дарвозасига «қалдирғочлар»нинг икки легионери – Вильянуэва (55) ва Рамос (60) тўп киритишга муваффақ бўлишганди. Шундай қилиб Ўзбекистон миллий терма жамоасининг амалдаги бош мураббийи Миржалол Қосимов (ўз навбатида «Бунёдкор» мураббийи) ва собиқ устози Рауф Инилеевнинг (эндикда «Бухоро» мураббийи) ўзаро тўқнашув сифатида баҳоланган мазкур баҳсда Миржалол шогирдлари 4:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси сафарда «Қизилқум»ни тор-мор қилди – 0:5. Ҳисоб бундан-да йирик натижа билан тугаши мумкин эди. Чунки зарафшонликларнинг украинлик легионери А. Бахуринский 33-дақиқадаёқ иккинчи марта огоҳлангича олиб, жамоадолларини қийин аҳволда қолдирган бўлса, яна бир қатор кулай вазиятларда тошкентликлар дарвозага тўп киритишнинг улдасидан чиқишмади. Ушбу учрашувда киритилган беш тўпга «Пахтакор»нинг тўрт футболчиси (С. Андреев 77, Д. Маркович 50, 84, Д. Шарофутдинов 75, З. Тожиев 90х3) муаллифлик қилиши эса осонлик футбол мутахассислари тошкентликларни қитъада тактик жиҳатдан кучли

жамоа сифатида эътироф этишаётганлиги бежиз эмаслигини тасдиқлайди. Футбол мухлислари ушбу жамоанинг «Бунёдкор» билан тақвим бўйича 23 май кунги ўтказилган лозим бўлган 11-тур учрашувини сабрсизлик билан кутишаётган эди. Бироқ ҳар икки жамоанинг 27 май кунги Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг сўнгги учрашувларида майдонга чиқиши муносабати билан ушбу учрашув санаси помахтум муддатта кечиктирилди. У миллий чемпионат тақвимида захира кун сифатида кўрсатилган 11 ёки 12 июль кунги ўтказилгани мумкин.

9-турнинг қолган беш учрашувда куйидаги натижалар қайд этилди:

«Нефтчи» – «Андижон» – 2:0 (А. Бердиев 15, В. Радкевич 53), «Металлург» – «Локомотив» – 1:1 (Ҳ. Ҳошимов 57-пен.; О. Новкаров 6), «Динамо» – «Насаф» – 0:0, «Хоразм» – «Олмалик» – 1:1 (С. Ибодуллоев 67; А. Фоменко 51), «Сўғдиёна» – «Навбахор» 1:0 (М. Тошматов 39).

Ж. РАСУЛОВ.

	Жамоалар	У	Ғ	Д	М	Т-П	О
1	«Бунёдкор»	9	9	0	0	23:2	27
2	«Пахтакор»	9	7	2	0	20:2	23
3	«Насаф»	9	6	2	1	17:8	20
4	«Олмалик»	9	5	2	2	11:8	17
5	«Локомотив»	9	4	3	2	9:8	15
6	«Нефтчи»	9	4	1	4	11:11	13
7	«Сўғдиёна»	9	4	1	4	14:17	13
8	«Навбахор»	9	3	3	3	9:6	12
9	«Хоразм»	9	3	3	3	10:11	12
10	«Андижон»	9	2	4	3	12:15	10
11	«Шўртан»	9	3	1	5	11:15	10
12	«Қизилқум»	9	2	1	6	8:20	7
13	«Металлург»	9	1	3	5	8:14	6
14	«Динамо»	9	1	3	5	4:12	6
15	«Бухоро»	9	1	2	6	8:17	5
16	«Машъал»	9	1	1	7	5:14	4

Автокросс

КУБОКНИ МЕЗБОНЛАР ҚЎЛГА КИРИТДИ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Самарқанд вилоят кенгаши томонидан Ўзбекистон кубоги учун автокросс мусобақаси ўтказилди.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Миллий автомобиль федерациясининг «ЎЗДЭУ автотеххизмат» Самарқанд вилоят бўлими, «Камолот» ВИХ вилоят кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган мазкур мусобақада ўнга яқин жамоа иштирок этди. Қатнашчилар беш йўналишда голиблик учун баҳс олиб бордилар.

Шахсий биринчилик баҳслари мурасасиз курашларга бой бўлди. 1200 см3 ҳажмдаги автомобилларда Самарқанд ўқув спорт техника клуби вакили Салоҳиддин Асимов энг яқин натижани қайд этган бўлса, 1600 см3 ҳажмдаги автомобилларда Самарқанд бирлашган техника мактаби спортчиси Шуҳрат Обиджонов голиб чиқди.

«ВАЗ» русумли автомобилларда Аслан Сафаров (Самарқанд ўқув спорт техника клуби) рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. «Nexia» русумли автомобиллар бўйича ўтказилган автокросс мусобақаси янада шиддатли ва қизиқarli кечди. Унда биринчи ўринни Чилонзор ўқув спорт техника клуби вакили Шерзод Ҳакимов эгаллади.

Умумжамоа ҳисобида голибликни ва мамлакат кубогини Самарқанд бирлашган техника мактаби жамоаси қўлга киритди. Иккинчи поғонага Самарқанд ўқув спорт техника клуби вакиллари кўтарилишган бўлса, совринли учинчи ўринга Чилонзор ўқув спорт техника клуби спортчилари сазовор бўлишди.

Мансур СОБИРҚУЛОВ.

ХОРАЗМЛИК ПОЛВОН



МХХ Чегара қўшинларида шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Шухрат Жуманиёзов Хоразмнинг доврўғини кўтараётган спортчилардан. У етти ёшдан кураш билан жиддий шуғулланган. Мактабда ҳам яхши ўқиган. Спорт ва ўқишни уйғунлаштириб, «Соғлом танда соғ ақл» шioriга амал қилади. 1999 йилда республика ўсмир-ёшлари ўртасида кураш бўйича ўтказилган мусобақада фахрли 2-ўринни эгаллаб, кумуш медаль соҳиби бўлган. Полвон ўз ўрнини Ватан ҳимоячилари сафида билиб, 2001 йилда МХХ Чегара қўшинлари сафига шартнома бўйича хизматга кирди. 2008 йил ноябрь ойида МХХ ходимлари ўртасида ўтказилган қўл жанги мусобақаларида 3-ўринни эгаллаб бронза медали соҳиби бўлди. Унинг кўксини спорт соҳасида олган медалларидан ташқари 2-даражали «Чегара қўшинлари аълоҳиси», «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларига 15 йил» кўкрак нишонлари бегаз турибди.

Х. ЎРАЛОВ.

Ота-боболаримиз жанговар маҳорат, куч-қудрат, ор-номус ва гурурни ҳамиша қадрлашган. Довруғи йиллар, асрлар оша бизгача етиб келган Паҳлавон Маҳмуд диёридан бугунги кунда ҳам таниқли полвонлар етишиб чиқаётгани қувонарли ҳол.

Картинг

КАСБИЛИКЛАР ГОЛИБ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Қашқадарё вилоят кенгаши «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» ҳамда «Хотира ва қадрлаш кўни»га бағишлаб спортнинг картинг тури бўйича вилоят биринчилигини ўтказди.

Унда туманлардаги ўқув спорт техника клублари, Шаҳрисабз автомобиль мактаби, вилоят техник ва амалий спорт турлари маркази спортчиларидан иборат 15 жамоа беллашди.

50 см³ ҳажм бўйича картингчилар мусобақасида 9–14 ёшли спортчилар иштирок этишди. Унда Искандар Иванов (Ғузор) биринчи, Сулнатилло Чориев (Касби) иккинчи, Фаррух Муродов (Муборак) эса учинчи ўринни эгаллашди.

125 см³ ҳажм бўйича картингда 14 ёшдан катта спортчилар баҳслашишди. Қизғин ва мурасиз ўтган баҳсда биринчи ўрин Бахтиёр Раҳмоновга (Касби) насиб этган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринларни Жамшид Темиров (Китоб) ҳамда Ферузбек Алиқулловлар (Чироқчи) қўлга киритишди.

Эркин классда эса Файбулло Мусаев (Касби) энг яхши натижага эришиб, шоҳсупанинг юқорисига кўтарилди. Кейинги ўринларни Фахриддин Сулфиқоров (Муборак), Тўра Эшматовлар (Шаҳрисабз автомобиль мактаби) эгаллашди.

Умумжамоа ҳисобида Касби туман ўқув спорт техника клуби спортчилари биринчи, ғузорликлар иккинчи, мезбонлар – Муборак тумани жамоаси эса учинчи бўлишди. Голиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан диплом, Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Н. ХЎЖАМОВ,

МК «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши раиси ўринбосари.

Болалар спорти

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР!

Бугунги кунда ёшларимизнинг ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб вояга етишида замонавий услубда қад ростлаётган спорт иншоотларининг ўрни беқийс. Пойтахтимиздаги Учтепа тумани ҳудудида 2006 йил Халқ таълими вазири қўзуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Ўзнефтгаз» фирмаси томонидан 200–250 ўринга мўлжалланган «Журжоний», «Учтепа» спорт мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилганди. Эндиликда у ўз самарасини бермоқда.

– Мажмуа қурилгандан буён туманимиз ёшлари чинакам спорт шайдосига айланди, – дейди Учтепа туман халқ таълими бўлими мудири Жамолжон Эшбоев. – Туманда бир йўла иккита спорт мажмуининг ёшларимиз ихтиёрига берилиши ажойиб совға бўлди. Юртбошимиз ташаббуси билан мустақиллик йилларида бундай спорт иншоотларининг бунёд этилиши ёшларимизга янада катта масъулият юклайди. Бу борада биз устозлар ҳам яратилаётган бундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, юрт равнақи йўлида бор куч-ғайратимизни аямаслигимиз лозим. Келажақда спорт соҳасида айнан учтепалик ёшлар ҳам жаҳон спорт майдонларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишига астойдил киришганмиз.

– Ҳозир бизда деярли спортнинг барча турлари бўйича машғулотлар йўлга қўйилган, – дейди «Журжоний» спорт мажмуи раҳбари Иброҳим Шукуров. – Юнон-рум кураши, футбол, таэквандо, бокс, шахмат, шашка, теннис, бадий гимнастика, оғир ва енгил атлетика каби спорт секциялари фаолият кўрсатмоқда.

– Ёшларимизда спортнинг ҳар хил йўналишларига қизиқиш катта, – дея суҳбатимизга қўшилади «Учтепа» спорт мажмуи директори Баҳодир Толибжонов. – Шу боис мажмуада спортнинг барча турлари бўйича мактаблар очяпмиз. Яқин икки йил ичида юнон-рум кураши ва каратэ мактаблари ишга тушди. Болалар у ерда машғулот ўтказишяпти. Ёш

авлод соғлом, баркамол бўлиши уларнинг Ватан олдида йигитлик бурчини ўташда, мамлакатимизни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Учтепада нафақат ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишга, балки улар орасидан республика миқёсидаги профессионал спортчиларни тарбиялаб етказиш ишига ҳам жиддий киришилган. Ҳар икки спорт мажмуида бугунги кунда тажрибали спорт мутахассислари, мураббийлар иш олиб бормоқда. Геннадий Рубцов, Азиз Содиқов, Мансур Жабборов каби мураббийлар масъулиятни тўғри англаган ҳолда ёш авлодни тарбиялаш ишига бош-қош бўлишяпти. Мажмуа залига кириб борганимизда юнон-рум кураши бўйича мураббий Мансур Жабборов ҳафталик машғулотлар режасини тузаётган экан.

– Бу ерда кенг ва шинам спорт майдонлари ва заллари бунёд этилган, – дейди мураббий. – Авваллари қаровсиз ётган боғ ўрнини бугун болалар қувончи тўлдирмоқда. Тиришган тоғдан ошар деганларидек, имкон топиб, яқин атрофдаги маҳалла ёшларини спортга жалб этаётган фидойи устозларим меҳнатини кўриб, фидокорлик маҳсули чинакам бахт эканлигини яна бир бор ҳис қиламан ва ишимга эрталабдан жонжаҳд билан киришаман. Гуруҳимизда 9 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўғил болалар шуғулланишади. Улар орасида юнон-рум кураши бўйича вилоят, республика чемпионатларида голиблик шоҳсупасидан жой олганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бундай ёшларимиз эртага халқаро миқёсидаги мусобақаларда юртимиз байроғини баланд кўтарди, дея оламан.

Дарҳақиқат, «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур», деб бежизга айтилмаган. Учтепа ёшларининг шахдам ҳаракати-ю гулгун чехрасини кўриб, биз ҳам қувондик. Бугунги кунда уларнинг нафақат билимга чанқоқлиги, балки спортга ҳам катта қизиқиши эртанги кунга ишонч уйғотади.

Бектош ИСМОИЛОВ.

Атлетический клуб будущего воина


ГИМНАСТИКА – ЭТО ЗДОРОВЬЕ

Упражнение с палкой

Исходное положение: основная стойка, отягощение в согнутых руках на груди (1). Наклонить туловище вперед – выдох, в исходное положение – вдох (2).

Исходное положение: основная стойка, отягощение на груди в согнутых руках (3). Повороты туловища в стороны (4). Дыхание произвольное.

Исходное положение: отжимание в упоре лежа (5).



МАДАНИЯТ

НОМИНГ ДИЛЛАРДА МАНГУ

9 май – Хотира ва қадрлаш куни халқимизнинг қадрли байрамига айланиб улгурган. Шу муносабат билан «Истиқлол» санъат саройида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан Ватан тинчлиги ва мустақиллигини сақлаш йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига бағишлаб «Номинг дилларда мангу» деб номланган хайрия концерти ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад ўтганларни ёдга олиш, уларнинг оилаларига моддий ва маънавий таянч бўлиш.

Хотира, бу ҳар бир инсон учун муқаддас туйғу. Айниқса, ўтганларни хотирлаш нафақат уларни ёдга олиш, балки аждодлар босиб ўтган улуғ йўлга, эзгу анъаналарга муносиб бўлиш, содиқ қолиш демакдир.

Хайрия концерти бўлиб ўтган катта санъат саройи икки кун давомида томошабинлар билан гавжум бўлди. Концерт залининг олдинги қаторларидан Мудофаа вазирлиги ва ҳуқуқ-тартибот идоралари тизимида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари жой олишди. Саҳна тўридаги улкан мониторда Қуролли Кучларимиз қудратини намойиш этувчи лавҳалар кўрсатиб борилди.

Хайрия концертида юртимизнинг таниқли санъаткорлари ўзларининг энг сара, бетакрор кўшиқлари билан иштирок этишди.

Дастлаб, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедовнинг шеърли хитоби янгради:

**Тупроғини ўпиб ўсган қалқон эл бу,
Улуғ йўлда кетаётган карвон эл бу,
Жўмард эл бу, вазмин эл бу, полвон эл бу,
Бошда дўппи, белбоғини ечмайди у.
Жондан кечар, лек Ватандан кечмайди у.**

Ҳа, Ватандан кечмаган жўмард инсонлар борки, хотираси азиз, қадрли муқаддасдир. Айниқса, оталари хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган, Ички ишлар вазирлиги махсус мактаб-интернатда таҳсил олаётган ҳарбий кийимдаги йигитчаларнинг оталари хотираси олдида берган ваъдаси – монологи томошабинлар қалбини титратиб, оналар кўзини

ёшга тўлдирганига шубҳа йўқ. «От изини той босади», деб шуни айтишса ажабмас. Чунки бу ўғлонлар эртанинг эгалари, Ватаннинг бўлажак қалқонларидир.

**Элим деб оловлар кечганлар ҳаққи,
Ўтганлар руҳини дўстлар ёд этинг,
Юртим деб жонидан кечганлар ҳаққи,
Бу ёруғ кунларнинг қадрига етинг...**

Ҳа, ёруғ кунлар қадрли ҳур ва озод, обод юртимизда кечаётган ҳаётимизда – ҳар лаҳза, ҳар онимизда мужассам. Эл севган санъаткорлар Ўзбекистон халқ артисти Зулайҳо Бойхонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар – Шуҳрат Дадажонов, Озодбек Назарбеков, Камолитдин Раҳматов, Марат Ҳакимов, Гулсанам Мамазитова, Равшан Комилов, Тожибар Азизова, Сайёра Қозиева, Юлдуз Абдуллаева, Рашид Холиқов, Ҳосила Раҳимовалар мана шу дориламон замонимизни мадҳ этишди. Шунингдек, опера санъати усталари, «Ўзбегим ёшлари» гуруҳи ҳамда «Ниҳол» мукофоти совриндори бўлган ёш эстрада юлдузларининг чиқишларини томошабинлар олқишлар ила қарши олишди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг хонанда ва раққосалари томонидан ижро этилган кўшиқ ва рақслар даврага ўзгача файз киритди.

– Қизларим Феруза, Наргизалар билан бирга ушбу концертга келдик, – дейди марҳум катта лейтенант Чори Ражабовнинг турмуш ўртоғи Замирахон Ҳасанова. – Бу эътибордан жуда миннатдорман. Концертда энг таниқли санъаткорларнинг иштирок этаётгани бизни жуда қувонтирди. Қалбларни тўлқинлантирувчи кўшиқ ва шеърлар, рақслар юрагимга муҳрланиб қолади, десам хато бўлмайди.

– Мен хайрия концерти ҳақида эшитган заҳотим ўғилларимга барча оила аъзоларимиз учун дарҳол чипта олиб келишларини буюрдим, – дейди Муқаддас ая ҳаяжонини яширмай. – Бундай савобли ишга ўйлайманки, юртимиздаги ҳар бир эзгу ниятли инсон ҳисса қўшишни истаиди. Концертга келиб маза

қилиб дам олиш билан бирга, хайрия ишига ҳисса қўшганимиздан жуда хурсандман.

– Йигирма олти йил давомида ички ишлар соҳасида хизмат қилган турмуш ўртоғим капитан Маҳмуджон Абдуллаев жиноятчилар билан олишув чоғида ҳалок бўлган, – дейди Тошкент вилоятидан хайрия концертига таклиф қилинган Роҳатой опа. – Бу ерга саксон ёшли қайнонам билан бирга келдим. Концертдан катта таассурот билан қайтаямиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази бошлиғи подполковник Икромжон Ҳикматовни суҳбатга тортдик.

– Ўтганлар хотирасини доимо ёдда сақлаш, уларнинг ортида қолган яқинларига ҳар томонлама таянч бўлиш миллатимизга хос бўлган олий фазилат. Ушбу хайрия концертини уюшқоқлик билан ўтишида ҳам бунга амин бўлдик. Ўйлайманки, концерт ташриф буюрганларга манзур бўлди. Ундан тушган маблағ хизмат вазифасини бажараётиб ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг оилаларини қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий таянч бўлишга сарфланади. Ўзига хос бу хайрия тадбири анъанага айланишига шубҳам йўқ.

Хайрия концертидан сўнг қай бир инсонни суҳбатга тортмай фақат илиқ фикрлар эшитдим. Томошабинларнинг мамнун чеҳрасидан ҳам буни англаш қийин эмасди. Зеро, ўтганларни хотирлаш ва қадрлаш улар олдидаги инсоний бурчимиз ва қарзимиздир.

Сизни унутмаймиз

то замин мангу,

То кўёш нурлари

йўлдошдир бизга,

Миллатим кўксига

яшар бу туйғу,

Яшарсиз ҳар авлод –

ҳар ўғил қизда!

Зулфия НОСИРОВА.

Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.



ВАТАНПАРВАР

Муассисе – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги

Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустан НОДИРОВ, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚУЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОВ, Шуҳрат ТУХТАЕВ, Абдусаттор ЭҒТАШЕВ, Курбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАЊИРОВ.

Беш муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи майор А. САФАРОВ.

Шу сонга масъулаар: майорлар Р. ЖУМАЕВ, А. КАМОЛОВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 256 09 81; обуна бўлими – 256 03 46. Факс: 256 17 98.

Таҳририят фикри муаллифлар нуктадан назаридан фарқланishi мумкин. Таҳририятга келган кўчма, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ўзбекистон» наприет матбаа ижодий уюнда чоп этилди. Босмакхона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Ислаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума кунин чиқади. Адади 26000.

Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № 1-74-00.